

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**“ҲИСОБ ВА АУДИТ” ФАКУЛЬТЕТИ**

**“АУДИТ” КАФЕДРАСИ**

**БЕРДИЕВ АСҚАР НУРМАН ЎҒЛИ**

**“АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ КОРПОРАТИВ  
БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА  
МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ  
ТИЗИМИ ВА УНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ”**

5230900 -“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)” таълим  
йуналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”**

“Аудит” кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ **и.ф.н., доц. И.Қўзиёв**  
“ ” \_\_\_\_\_ 2016 й.

Илмий раҳбар: \_\_\_\_\_ **кат.ўқ. А.Раҳматуллаев**  
“ ” \_\_\_\_\_ 2016 й.

**ТОШКЕНТ – 2016**

Мен, Бердиев Асқар Нурман ўғли, ушбу БМИни мустақил бажардим, кўчирмачилик ҳолати йўқлигига жавоб бераман. Кўчирмачиликка йўл қўйган ҳолатимда БМИ кафедра мудири тақдимномасига асосан ректор буйруғи билан бекор қилиниши ва “қониқарсиз” баҳо қўйилишини биламан.

Бердиев Асқар Нурман ўғли

---

(сана, имзо)

Мундарижа:

<b>Кириш</b> .....	<b>3</b>
<b>I боб. Акционерлик жамиятлари молиявий ҳолатини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг назарий асослари</b> .....	<b>6</b>
<b>1.1.</b> Акционерлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни жорий қилишда рейтинг аниқлашнинг ўрни ва аҳамияти.....	<b>6</b>
<b>1.2.</b> Рейтинг тизими асосида баҳолашнинг асосий йўналишлари.....	<b>12</b>
<b>1.3.</b> Ўзбекистонда рейтинг аниқлашнинг ҳозирги ҳолати. . .	<b>17</b>
<b>II боб. Акционерлик жамиятларида молиявий ҳолатни рейтинг тизими аниқлашнинг ҳозирги ҳолати</b> .....	<b>22</b>
<b>2.1.</b> Бухгалтерия баланси кўрсаткичлари таҳлили. ....	<b>22</b>
<b>2.2.</b> Молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлили.....	<b>41</b>
<b>2.3.</b> “Navoiyazot” акциядорлик жамияти молиявий ҳолатининг рейтинги ва уни аниқлаш.....	<b>45</b>
<b>III боб. Мамлакатимизда рейтинг аниқлашни такомиллаштириш масалалари</b> .....	<b>52</b>
<b>3.1.</b> Акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	<b>52</b>
<b>3.2.</b> Рейтинг аниқлаш бўйича халқаро рейтинг компанияларининг тажрибаси.....	<b>57</b>
<b>Хулоса</b> .....	<b>68</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>72</b>

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Миллий иқтисодиётда бозор инфратузилмасининг ривожланаётган бўғинларидан бири бу-акциядорлик жамиятларидир. Акциядорлик жамиятларининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни катта бўлиб, унинг самарали фаолият юритиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожланишига ҳам ижобий таъсир этади. Акциядорлик жамиятларига акциядорлар ва салоҳиятли бошқа инвесторларни жалб этишнинг энг мақбул йўли -акциядорлик жамияти фаолияти ва унга доир маълумотларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашдан иборат.

Бу ҳақида Президентимиз И.А. Каримов: “2015 йилда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартиришимиз унинг ҳақиқий бозор хусусиятларига эга бўлишини таъминлаш ва консерватив қарашлардан халос бўлишида катта ҳисса бўлди. Барча акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, натижада 462 та жамиятни ёки уларнинг 43 фоизини тугатиш ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди”<sup>1</sup>, деб таъкидлайдилар. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш орқалигина уларга бўлган ишончни янада мустаҳкамлаш ва уларнинг инвесторлар учун жозибadorлигини янада ошириш мумкин. Шу муносабат билан, ушбу ишда мамлакатимизнинг энг йирик акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда уларнинг молиявий ҳолати рейтингини аниқлашни халқаро тажриба ва назариялардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш ва таҳлил натижаларига кўра тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш муҳим ва ўз навбатида долзарб масалалардандир.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари** Битирув малакавий ишининг мақсади корпоратив бошқарув самарадорлигини

---

<sup>1</sup>Каримов И. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. 12-бет.

таъминлашда акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолати рейтингини аниқлашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва таҳлил натижаларига кўра тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

-акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни жорий қилишда рейтинг аниқлашнинг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

-рейтинг аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичларни белгилаш;

-акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолатини рейтингини аниқлаш;

-рейтинг аниқлаш бўйича халқаро рейтинг компанияларининг тажрибасини ўрганиш;

-Ўзбекистонда рейтинг компаниялари фаолиятини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишининг предмети.** Битирув малакавий ишнинг предмети акционерлик жамиятларини корпоратив бошқариш самарадорлигини таъминлашда молиявий ҳолатини рейтинг тизими асосида баҳолашга оид муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг объекти.** Битирув малакавий ишнинг объекти сифатида “Навоийазот” акционерлик жамиятининг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан кенг фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан акционерлик жамиятларини корпоратив бошқариш самарадорлигини таъминлашда молиявий ҳолатини рейтинг тизими асосида баҳолашни такомиллаштиришга оид услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, битирув малакавий ишда амалий тавсиялар акционерлик жамиятларини корпоратив бошқариш самарадорлигини таъминлашда молиявий ҳолатини рейтинг тизими асосида баҳолаш имконини беради.

**Битирув малакавий ишининг таркиби.** Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган.

Ишнинг асосий қисмида акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни жорий қилишда корхоналар молиявий ҳолати ретингининг ўрни ва аҳамияти назарий жиҳатдан ёритилган, рейтинг аниқлашнинг ҳозирги ҳолати ва унинг таҳлили ҳамда уни яхшилаш бўйича таклифлар келтирилган.

Ишнинг хулоса қисмида олиб борилган изланишларнинг натижалари умумлаштирилган ва акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолати рейтинг тизимини янада кенгроқ жорий этилиши юзасидан таклифлар ва илмий-амалий тавсиялар келтириб ўтилган.

# **I БОБ. АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АСОСИДА БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Акционерлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни жорий қилишда рейтинг аниқлашнинг ўрни ва аҳамияти**

Дунёнинг турли давлатларида бўлиб ўтган ва ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий инқирозлар корпоратив бошқарувда шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойиллари инвесторларнинг ишончини ошириш ва миллий иқтисодиётнинг умумий самарадорлигини таъминлашда қанчалик муҳим эканлигини бутун дунёга кўрсатди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибadorлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида 2015 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармонининг эълон қилиниши муҳим воқеа бўлди. Фармонга мувофиқ корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг 5 та асосий йўналишлари белгиланди. Шунингдек, корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, унга киритилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилишини тизимли асосда назорат қилиш вазифалари белгиланди. Бундан ташқари, Германия ҳамда бошқа ривожланган давлатларнинг муваффақиятли тажрибаси асосида 2015 йил 1 августга қадар Корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифалари юклатилди.

Корпоратив бошқарув кодекси ягон ҳужжат бўлиб унда акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиклигини ошириш, улар томонидан халқаро

стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисобот ахборотини нашр қилиш шартлари ҳам аниқ белгиланиши кўрсатилди.

Биз кўриб чиқаётган мавзунинг асл моҳияти ва мақсади-корхоналарнинг молиявий ҳолати, уни комплекс ўрганиб чиқиб корхонанинг молиявий ҳолати рейтингини аниқлаш бўлса, бунда авваламбор молиявий ҳолат нима эканлигини англаб етишимиз лозим.

Иқтисодчилар орасида “молиявий ҳолат” тушунчасининг таърифи бўйича ягона нуқтаи назар мавжуд эмас.

Корхонанинг молиявий ҳолати қуйидагилардан иборат деган фикрлар мавжуд:

–корхонанинг молиявий ресурслари мавжудлиги ва фойдаланилишини акс эттирувчи кўп ўлчамли иқтисодий кўрсаткич<sup>2</sup>;

–молиявий ресурслар мавжудлиги, жойлаштирилиши ва фойдаланилишини акс эттирувчи кўрсаткичлар мажмуи<sup>3</sup>;

–корхонанинг ўз қарз мажбуриятларини қайтариш қобилиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар мажмуи<sup>4</sup>;

–бозор субъектининг молиявий муносабатлари ва унинг ўз фаолиятини муайян санадаги ҳолати бўйича молиялаштириш қобилиятини акс эттирувчи иқтисодий категория<sup>5</sup>;

–бозорда корхонанинг ишончилиги, рақобатбардошлиги, барқарорлигининг энг муҳим тавсифи маблағлар (активлар) ва уларни шакллантириш манбалари (ўз капитали ва мажбуриятлар, яъни пассивлар) жойлаштирилиши ва фойдаланилиши билан тавсифланади<sup>6</sup>;

–корхонанинг молиявий рақобатбардошлиги (яъни тўлов қобилияти, кредитга лаёқатлилиги), молиявий ресурслар ва капиталдан фойдаланиш,

---

<sup>2</sup> Жамбекова Р.Л. Методика системной экономической диагностики предприятия: Дисс. . . . д-р. Экон. Наук. СПб., 2001. 185-186 б.

<sup>3</sup> Ковалев В.В. Анализ финансового состояния и прогнозирование банкротства. СПб.: Аудит Ажур, 1994. 163 б.

<sup>4</sup> Маркаръян Э.А., Герасименко Г.П. Финансовый анализ. М.: ПРИОР, 1997. 41-б.

<sup>5</sup> Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК: учебник. Минск: ИП «Экоперспектива», 1998. 272-б.

<sup>6</sup> Быкадоров В.Л., Алексеев П.Д. Финансово-экономическое состояние предприятия: практ. Пособие. М.: ПРИОР, 1999. 7-б.



давлат ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдида ўз мажбуриятларини бажариш тавсифи<sup>7</sup>;

–бизнес бўйича ҳамкор, капитал инвестициялаш объекти, солиқ тўловчи сифатида фирманинг реал ва потенциал молиявий имкониятлари<sup>8</sup>;

–ўз фаолиятини молиялаштириш қобилияти бўлиб, корхонанинг нормал ишлаб чиқариш, тижорат ва бошқа турдаги фаолияти учун зарур молиявий ресурслар билан таъминланганлигини, уларни жойлаш ва фойдаланиш самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги, бошқа хўжалик субъектлари билан молиявий ўзаро муносабатлар, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлик билан тавсифланади<sup>9</sup>;

–маблағлар (активлар) ва уларни шакллантириш манбалари (ўз капитали ва мажбуриятлар, яъни пассивлар) жойлаштирилиши ва фойдаланилиши билан тавсифланади<sup>10</sup>;

–корхонанинг молиявий ҳолати унинг активлари ва пассивлари структураси, яъни корхонанинг маблағлари ва уларнинг манбалари муносиблиги билан ифодаланади<sup>11</sup> ва б.

Ушбу масала бўйича адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, молиявий ҳолатни таърифлашда кўпинча молиявий ресурсларни жойлаштириш ва фойдаланиш эсга олинади. Муаллифлар молиявий ресурслар мавжудлиги, тўлов қобилияти, рақобатбардошлик, бошқа хўжалик субъектлари билан ўзаро муносабатлар, ишонччилик, кредитга лаёқатчилик, корхонанинг имкониятлари (потенциали), маблағлар ҳаракатчанлиги ва бошқалар каби параметрларни ҳам ажратиб кўрсатади.

---

<sup>7</sup> Балабанов И.Т. Анализ и планирование финансов хозяйствующего субъекта. М.: Финансы и статистика, 1994. 80 б. 4-б; Артеменко В.Г., Беллендир М.В. Финансовый анализ: учеб. Пособие. М.: Изд-во «ДИС», НГАЭиУ, 1997. 4-б.

<sup>8</sup> Финансовое управление фирмой / В.И.Терехин, С.В.Моисеев, Д.В.Терехин, С.Н.Циганков; Под. Ред. В.И.Терехина. М.: Экономка, 1998. 62-б.

<sup>9</sup> Руденко В.Г., Аванесов Э.Т. Финансово-экономические расчеты: Анализ инвестиций и контрактов. Невинномыск: НГТ, 1996. 37-б.; Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий: Минск: ИП «Экоперспектива», 1997. 409-б.

<sup>10</sup> Бухгалтерский учет: учебник / Н.С.Безруких, В.Б.Ивашкевич, Н.П.Кондраков и др.; Под. Ред. П.С.Безруких. М.: Бухгалтерский учет, 1996. 527-б.

<sup>11</sup> Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. М.: ИНФРА-М, 1999. 139-б.

Турли талқинларни умумлаштириб, қуйидаги таърифни шакллантириш мумкин: молиявий ҳолат – бу молиявий ресурсларни жойлаштириш, эгалик қилиш ва фойдаланишни, шунингдек, уларни муаяйн вақтда етарлилигини таъминловчи иқтисодий категориядир.

Молиявий ҳолат таҳлилининг ўрганилган методикалари аналитик ишлар хусусиятлари ҳақида ҳам мулоҳаза қилишга имкон беради. Методика тушунчасининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу масалага жуда кўплаб олимлар: «бу тадқиқ қилишнинг махсус усул ва услублари мажмуи»<sup>12</sup>, деб қарайдилар.

Ҳисоботнинг вертикал ва горизонтал таҳлили маблағлар таркибий тузилиши ва уларнинг манбалари, шунингдек, бу ўзгаришлар динамикаси ўринга эга бўлган сифат ўзгаришлари ҳақида янада умумийроқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Ушбу усуллар деярли барча методикада<sup>13</sup> қўлланилади. Уларнинг фарқлари таҳлил учун қўлланиладиган жадвалларда, ҳисобот бандлари деталлаштирилиши даражаси ва корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили методикасида мазкур усуллардан фойдаланиш кетма-кетлигида намоён бўлади.

Сўнги вақтларда корхона фаолиятининг барча жиҳатларини аниқловчи индекс ва коэффициентлар тизимини яратишга бўлган тенденция қайд қилинди, бу ҳисобланадиган кўрсаткичларнинг бир неча марта ўсишига олиб келди.

Шундай қилиб, молиявий ҳолат таҳлили барча иқтисодий субъектлар томонидан амалга оширилиб, камида оддий тижорат ҳисоб-китоби шаклида

---

<sup>12</sup> Ожегов Л. М. Словарь русского языка. М.: Русск. язык, 1985. 494с., Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарканд. Зарафшон. 2001.- 272 б., Басовский Л.Е. Теория экономического анализа: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001 – 222 б., Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. М.: Финансы и статистика, 1981, 1987, 1993, 1994, 1996, 2000. – 416 б., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. . – М.: ИНФРА-М, 2002 –333 б., Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Т.: ТДИУ, 2004.- 91 б., Қудратов Т.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Лекциялар курси. Самарканд, СамҚХИ. 2004. – 107 б.

<sup>13</sup> Таҳлилга оид адабиётларда “усуллар” ва “методика” иборалари қўлланилади. Биз ушбу ибораларни синоним тарзида қабул қилдик ва тадқиқот давомида гапнинг келишига қараб унисидан ҳам, бунисидан ҳам фойдаланишни маъқул, деб топдик.

ўтказилади. Етарлича юқори савияда молиявий ҳолат таҳлили ўтказиш орқали максимал самарага эришиш мумкин.

Корпоратив бошқарув эса— бу шундай тизимки, у орқали хўжалик юритувчи субъектга раҳбарлик қилиш, ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий ресурсларини бошқариш, мулкдорлар ҳамда инвесторлар сармояларини бошқаришнинг самарали ва хавфсиз бўлишини таъминлаш, манфаатдор томонларнинг қизиқишларини ҳамкорликда аниқлаш ҳамда бири-бирига мослаштириш, шу билан бирга олинадиган даромадларни уларнинг ҳиссасига монанд тақсимлаш учун мўлжалланган ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирларни амалга оширилади.

Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, корпоратив бошқарув акциядорлар, менежерлар, кредиторлар, ҳамкорлар, мижозлар, ходимлар каби компания фаолиятига алоқадор барча шахсларнинг манфаатлари инобатга олган ҳолда бошқариладиган тизимдир. Бундан кўриниб турибдики, компанияларда корпоратив бошқариш тизими қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, унинг нафақат молиявий ҳолати, балки умуман корхоналарнинг фаолияти самарадорлиги юқори бўлишини айтиш қийин эмас.

Мамлакатимизда хўжалик жамиятлари ва ширкатларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолият юритиш тартибини белгилаб берадиган мустаҳкам корпоратив қонунчилик яратилди. Корпоратив муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлар, бошқа қонунчилик ва қонуности ҳужжатлари билан билан тартибга солинмоқда. Ушбу ҳужжатлар корпоратив бошқарув принципларини татбиқ этиш, корхона хўжалик фаолиятининг якуний натижалари учун ижро органи ва кузатув кенгашларининг масъулиятини ошириш, корхонани бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш орқали корхоналарни бошқариш тизимини ислоҳ этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда мингга яқин акциядорлик жамияти, 94,9 мингдан ортиқ масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият, 190 дан зиёд ишлаб чиқариш ва 280 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари, 2,7 мингта оилавий, чет эл инвестицияси иштирокида ташкил этилган 4,8 мингдан ошиқ корхона рўйхатга олинган.<sup>14</sup>

Мустақил экспертлар томонидан корхоналарнинг молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш сифатида рейтинг "нархсиз рақобат"нинг асосий элементларидан бирига айланди. Рейтинг мавжудлиги ва унинг даражаси унинг фаолияти очиқ-ошкоралигини исботлаган ҳолда корхона фаолиятини ажтариб туради. Албатта ҳар бир корхонанинг фаолиятини ифодаловчи кўплаб кўрсаткичлар мавжуд. Кўрсаткичларни танлаш рейтингни тузиш мақсадларига боғлиқ. Мазкур ишда биз Акциядорлик жамиятларининг (тижорат банлари ва суғурта компаниялари бундан мустасно) молиявий ҳолат рейтингини тизимини вазифаси кўриб чиқамиз. Бизнинг ҳисоб-китоб методикамизда кўрсаткичлар Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг алоҳида томонларини ифодаловчи қуйидаги иккита гуруҳга бўлинган: Акциядорлик жамиятлари фаолияти ва молиявий кўрсаткичлар. Яъни, компания фаолиятининг самарадорлиги икки йўналиш бўйича баҳоланади. Биринчидан, Акциядорлик жамиятлари оператциялари самарадорлиги таҳлил қилинади, иккинчидан, компания фаолиятининг умумий самарадорлиги, шу жумладан компаниянинг бугунги ҳолатига унинг инвестиция ва бошқа даромадлари ва харажатлари таъсири таҳлил қилинади.

Мазкур ҳисоб-китоб усули мутахассисларга, бўлғуси инвесторларга Акциядорлик жамиятлари алоҳида молиявий-барарор ва ёки муваффақиятли компания деб ҳисоблаш имконини беради. Шу нуқтаи назар билан айтганда, Акциядорлик жамиятларининг рейтингини аниқлаш ва уни доимий равишда кенг омма эътиборига ҳавола этиш уларнинг ва рақобатчи корхоналарнинг фаолиятига ижобий таъсир ўтказди. Акциядорлар, менежерлар, кредиторлар, ҳамкорлар, мижозлар, ходимлар каби компания фаолиятига

---

<sup>14</sup> . [http://uza.uz/oz/society/dolzarb-masalalar-mu-okamasiga-ba-ishlandi?sphrase\\_id=441081](http://uza.uz/oz/society/dolzarb-masalalar-mu-okamasiga-ba-ishlandi?sphrase_id=441081)

алоқадор барча шахсларнинг компанияга бўлган ишончини янада оширади. Ишонч эса, бизнесда қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

## **1.2. Рейтинг тизими асосида баҳолашнинг асосий йўналишлари**

«Рейтингни анъанавий бўлмаган иқтисодий индикаторлар жумласига киритиш мумкин. Бу индикатор корхонани бошқа корхоналар орасидаги ўрни (мавқеи, даражаси)ни белгилашгина эмас, балки саноат ва унинг тармоқларини ривожлантириш мониторингини амалга оширишга ҳам имкон беради»<sup>15</sup>.

Албатта, бу фикрга қўшилган ҳолда - рейтинг иқтисодий индикатор ҳамда ривожланиш мониторинги билан бир қаторда корхона ва ташкилотларни иқтисодий ахборот вазифасини ҳам бажаради.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин илк бора 1999 йил август ойида «Бозор, пул ва кредит» - банк ходимлари ва ишбилармонлар ойлик журнали орқали «Ўзбекистондаги 200 та энг йирик саноат корхонасининг йиллик рейтинглари», «БПК-25» клуби томонидан корхоналар рейтингини эълон қилинди.

Айни вақтда, рейтинг иқтисодий мониторинг воситаси бўлиб, ҳам хизмат қилади. Ишбилармонлар доираси билан бир қаторда рейтингдан ҳукумат идоралари ҳам фойдаланиши мумкин. Рейтинг берадиган ахборот таркибий ўзгаришлар йўналишини, иқтисодий ривожланиш суръатларининг келажақда ортиши ёки пасайишини аниқлашга имкон беради.

Иқтисодий субъектларнинг бундай рейтингларини эълон қилишга бозордаги мижозлар ёки рақобатчилар ва маъмурий тузилмалар катта кизиқиш билан қарайди. Сабаби, рейтинг иқтисодиёт реал секторининг бозор механизмларини жонлантириш воситасига айлантирилмоқда ва унга

---

<sup>15</sup> Ўзбекистондаги 200 та энг йирик саноат корхонасининг йиллик рейтинглари. // Бозор, Пул ва Кредит, журнали 1999 август 12- бет.

хорижий инвесторлар ва жаҳон иқтисодий ҳамжамияти ижобий муносабат билдиради.

Рейтинг конкрет корхоналар тўғрисидаги ҳаммабоп ахборот манбаи бўлиб, қарор қабул қилишнинг муҳим воситасидир. Чунки, у тадбиркорга саноатнинг тараққий этиш йўналишини, ишбилармонликнинг жонланишини ҳамда фойда олиш имкониятларини ҳам кўрсатиб беради.

Рейтингни аниқлашда турли ёндашишлар бор. Лекин, жаҳон амалиётида рейтинг белгиланишининг 3 та асосий усули мавжуд.<sup>16</sup>

1. Тартиблаш (рақамлаш) усули. Корхона молиявий фаолиятининг кўрсаткичи муҳим хулоса тузилишлари билан биргаликда олиб борилиши ва аниқланган ҳар бир кўрсаткичлар бўйича рейтинг жойларини белгилаш. Бу усулнинг камчилиги, рақамлаш тизими технологиясига мувофиқ белгиланган омиллар усулида корхона молиявий фаолиятининг жараёни аниқ акс этмаган.

2. Балл усули. Рейтингини аниқлашда энг қийин методика ҳисобланади. Чунки, корxonанинг иқтисодий фаолиятида аниқланиб тўпланган ҳар бир кўрсаткичлар ҳолати баллда ифодаланиши талаб этилади. Бу тўпланган (ёки йиғилган) балл кўрсаткичлари корxonани у ёки бу гуруҳга мувофиқлигини аниқлаб беради.

3. Индекс усули. Дунё амалиётида кенг қўлланиладиган усул бўлиб, уни қўллашда корxonанинг ҳар бир алоҳида кўрсаткичлар бўйича индексини ҳисоблаш йўли билан белгиланади. Индекс ҳисоблашдаги баъзи маълумотлар яъни, бир неча йиллар ҳисобида ўртачасини ҳам мазмунан ҳисобга олиш мумкин. Асосий мақсад корxonаларнинг фаолият кўрсаткичларини баҳолашдир. Рейтинг — статистик маълумотларга таянмаган ҳолда, кўрсаткичларни хатарли ҳолатлари билан аниқ томонларини ўрганишни талаб этади.

Рейтинг ихтисослашган рейтинг агентлиги томонидан белгиланади. Бунда иш юритувчи корхона рейтинг агентлиги билан келишган шартнома

---

<sup>16</sup> М.К.Эрматов. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. «Иқтисод-молия» 2005, 41-бет.

асосида иш олиб бориб, корхонанинг салбий томонларини химоя қилиш вазифасини ўтайди.

Рейтинг - макроиқтисодий жараёнда рейтинг агентликлари томонидан хужаликнинг молиявий фаолиятига баҳо беради. Бунда корхоналар ўртасидаги ёки муассасалар ўртасидаги фарқ рейтинг орқали белгиланади.

Устав фонди ҳажми, баланснинг умумий суммаси, баланс фойдаси, фаолият самарадорлиги (баланс фойдасининг устав фондига тўлови муносабати ҳисобида). Бу кўринишдаги рейтинг ахборотлари корхонани умумий кўриниши ҳақида маълумотлар беради ҳамда корхонанинг фаолиятини солиштириш имконини яратади. Лекин корхонанинг фаолиятининг барқарорлиги ҳақида тўлиқ маълумот берилмаган.

Аммо, ривожланган давлатларда рейтингни аниқлашда турли усуллар қўланилади. Бунда асосан икки хил ёндашиш мавжуд.

Биринчиси, корхона фаолиятининг таҳлилида ўзларини индивидуал усул ҳамда ўзаро муносабатлар икки дифференциацияси (ҳисоб ва кредит) ўрнатилган. Бу таҳлилда корхоналар битта бўлимда олиб қаралади. У ўзида танлов тавсифини белгилайди ва рейтингини тўлдириш эҳтимолдан холи эмас. Бу рейтингни аниқлаш манбаси: ҳисобот ва бошқа маълумотлар қўзда тутилган ҳисоботлар тўпламидир.

Иккинчиси, корхоналар рейтингини аниқлашдаги мустақил экспертлардир.

Экспертларнинг охириги хулосаси рейтингдир. Мустақил рейтинг экспертларини агентликлар корхоналарнинг рейтингини эълон қилиши учун маълумотлар тўплашга мутахассислар жалб этилади. Хар бир агентлик уз усулини қўллайди. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, улар корхона фаолияти таҳлилинини тўлиқ ёритиб бера олмайди.

Корхона фаолиятининг тўлиқ, объектив рейтингини аниқловчи муассасалар уларни назорат қилиш бўлимларидир.

Маълумки, самарали ишловчи тизимни яратиш иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Корхоналар

фаолятини назорат қилишдан асосий мақсад эса уларнинг молиявий барқарорлигини оширишдан иборатдир

Рейтингни ифодалашда икки хил усул қўлланилади:

1. Рақам кўринишдаги усул;
2. Алифбо кетма-кетлигида белгиланувчи усул.

Корхоналар фаолятини текшириб уларга балл белгиланиб, шу балларни йигиндисини умумий рейтинг баҳоси деб юритилади.

Алифбо кетма-кетлигида белгиланувчи усулда кўп давлатларнинг ички рейтинг марказларида фойдаланилади. Мисол учун Россия федерацияси «Коммерсант» рейтинг экспертлари корхоналарни уч гуруҳга бўлган - А, В, С. Бу рейтингдаги корхоналар барқарорлиги энг юкори булган корхоналар ҳисобланган. АС - барқарор корхоналар рейтинг рамзи сифатида ифодаланган. Шу билан бирга «Рейтинг» ахборот маркази корхоналарнинг рейтинг кўрсаткичларини куйидагича ифодалаган:

А — энг юкори барқарорлик категорияси.

В — ўрта барқарорлик категорияси.

С — ноаниқ барқарорлик категорияси.

Бундан келиб чиқиб,

А3 — энг юкори барқарорлик категорияси;

А2 — анча баланд барқарор категорияси;

А1 — баланд барқарорлик категорияси;

В3 — етарли баланд барқарорлик категорияси;

В2 — ўрта;

В1 — етарли бўлмаган баланд барқарорлик категория;

С3 — кисман ноаниқ;

С2 — ноаниқ;

С1 — жуда ноаниқ<sup>17</sup>.

---

<sup>17</sup> Коммерсант. 1993 №4 13-бет, №10 13- бет, №12 10-бет; Финансовой ведомости. //Россия Федерацияси журналлари. -М.: 1993 12 апрел 5-12 бетлар



Бундай рейтингни аниқлашда корхоналарнинг манбаи бўлиб активлар, устав фонди ва даромад кўрсаткичлари ҳисобланади.

Рейтинг – корхоналар фаолиятини барча (тулик) кўрсаткичлар тизимини шартли алифбо кетма-кетлигида, рақамли балл кўринишида, ўрни (даражаси) ва бошқа шаклларда келтирилган рейтинг баҳоси натижасидир. Рейтинг баҳоси — корхоналар фаолиятининг рейтинг баллини аниқлаш мақсадида унда кўзланган умумий мақсад фаолияти иқтисодий таҳлил туридир. Бундан ташқари «Рейтинг» ва «Рейтинг баҳоси» иборалари мазмунига алоҳида эътибор қаратилган. «Қоида» ҳозирги кун талабига жавоб беради. Халқаро майдондаги рейтинг компаниялар талабини қондиради. Ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрлари - икки юридик шахс ўртасида муносабатга тўлиқ жавоб беради. Лекин, камчиликлардан холи эмас. Қоиданинг 11-бўлим 2.7-бандида келтирилган «Рейтинг агентлигининг ҳисоботи икки тенг ҳуқуқли нусхада тўлдирилади» деб келтириб:

1-бандда рейтинг агентлигида ва 3 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланади», деб кўрсатилган.

2-бандда эса, иккинчи нусха корхонада сақланади, деб кўрсатилиб, сақланиш муддати кўрсатилмаган.

Бизнинг фикримизга кўра биринчи бандда келтирилган 3 йиллик муддат корхонага ҳам аниқ белгиланиши керак.

Албатта, корхоналарнинг ички қоида-қоидага биноан барча ҳуқуқий ҳужжатлар камида 3 йилгача сақланади. Лекин келтирилган «Қоида»нинг ҳуқуқий меъёрига асосан ҳар икки томонларга ҳам тенг ҳуқуқий нормалар белгиланиши шарт. Ҳар бир давлатнинг ички рейтинги ўзининг манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ташкилотларининг рейтингини аниқлаш “Аудит-рейтинг” ташкилоти томонидан ўтказилади. Бизнингча рейтинг — иқтисодий субъектнинг (банк ёки корхона) шундай кўрсаткичи ҳисобланадики, бу иқтисодий субъект фаолиятининг молиявий таҳлили натижасида белгиланган иқтисодий кўрсаткичидир.

Корхона фаолиятдан ахборот берувчи манба сифатида фойдаланиш мумкин, шунинг учун рейтинг балларини ҳисоблашда адашиш ёки хатоликка йўл қўймаслик зарур.

### **1.3. Ўзбекистонда рейтинг аниқлашнинг ҳозирги ҳолати**

Ҳозирги вақтда рейтинг хизматлари бозори қарор топиш босичида турибди. Классик рейтинг – бу хўжалик субъектнинг мижозлар ва инвесторлар олдида ўз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз муддатида бажара олишини ва тайёрлигини баҳолаш демакдир.

Республикада рейтинг хизматлари бозори шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитларида иқтисодий жараён қатнашчиларининг корхонанинг молиявий ҳолати ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисида ҳолис ва ишончли ахборот олишга бўлган қизиқиши жиддий равишда ошди.

Бозор муносабатларининг барча субъектлари – мулкдорлар (акциядорлар), инвесторлар, банклар, биржалар, етказиб берувчилар, харидорлар, суғурта компаниялари ва бошқалар ўз ҳамкорлари ва мижозларининг рақобатбардошлиги ва ишончлилигини баҳолашдан манфаатдордир. XX аср бошида ушбу вазифани ҳал қилишни енгиллаштирувчи восита кашф этилди. Сўз рейтинг ҳақида бормоқда.

Бозор иқтисодиёти тараққиётининг бугунги босқичида барча корхона ва ташкилотлар фаолиятининг ахборот жиҳатидан очиқ-ошкоралиги муҳим аҳамият касб етмода. чунки истеъмолчилар ва инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя илиш учун уларнинг у ёки бу корхонанинг молиявий ҳолати тўрисида хабардорлиги ва бундай очиқ ахборот асосида корхонани танлаш имконияти муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда мамлакатимиз Ўзбекистонда рейтинг аниқлашда иккита, «Ахбор-рейтинг» рейтинг агентлиги ва "САИПРО" компанияси фаолият юритиб келмоқда.

«Ахбор-Рейтинг» рейтинг агентлиги– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасининг 1995 йил 9 ноябридаги 427 сонли қарори ижроси

юзасидан тижорат банкларига, суғурта ва лизинг корхоналарига, қимматли қоғозлар эмитетларига, микрокредит ва баҳолаш корхоналарига рейтинг хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил қилинган Ўзбекистондаги биринчи рейтинг агентлигидир.

2005- йил декабр ойида «Ахбор-Рейтинг» рейтинг агентлиги Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб Осиё кредит рейтинг агентликлари Ассоциациясининг (Association of Credit Rating Agencies in Asia - ACRAA) аъзолигига қабул қилинди ва бугунги кунда Осиё, Европа, Америка ва МДХ давлатларидаги етакчи халаро рейтинг агентликлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмода.

«Ахбор-Рейтинг» рейтинг агентлиги кенг кўламдаги хизматларни кўрсатади, жумладан, кредит рейтинги, молиявий, бошқарув ва стратегик консалтинг, молиявий бозор сегментлари ва макроиқтисодиёт бўйича тадқиотлар, шунингдек иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича турли хил информатсион-таҳлилий ишларни бажаради.

«Ахбор-Рейтинг» рейтинг агентлиги томонидан қўлланиладиган барча рейтинг усуллари ва тартиблари Осиё кредит рейтинг агентликлари Ассоциацияси (Association of Credit Rating Agencies in Asia - ACRAA) ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ҳамда энг яхши халқаро амалиётнинг қўлланилишига асосланган.

«Ахбор-Рейтинг» рейтинг агентлигининг методологик базаси иқтисодиётнинг банк, суғурта, лизинг, инвестиция ва бошқа тармоқларини ўз ичига қамраб олади. Белгиланган масалаларни ҳал қилиш мақсадида «Ахбор-Рейтинг» институтчионал ва продуктив рейтинг йўналишини изчил ривожлантирмоқда, маълумотларни ёритиш системасини яхшиланишига ёрдам бермоқда, ҳамда Ўзбекистон молия хизматлари бозорида рейтинг изланишлар олиб бормоқда. Мамлакатимиз молия бозоридаги кўп йиллик муваффақиятли фаолияти «Ахбор-Рейтинг» рейтинг агентлигига молия бозори ва итисодиёт тармоқлари қатнашчилари ва сегментлари ҳақидаги кенг маълумот базасини яратишга имкон яратди. «Ахбор-Рейтинг» рейтинг

агентлиги иқтисодиёт тармоқлари таҳлили, молиявий бозорлар ва мамлакатимиз банк соҳасининг ривожланиш истиқболлари ва жорий тенденциялари борасида ноёб тажрибага эга.

«Ахбор-Рейтинг» рейтинг агентлиги томонидан тайёрланган таҳлилий материаллар мамлакат итисодиётининг барча муҳим соҳаларини ўз ичига камраб олган, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатлари, тенденциялар ва жорий ҳолати илмий-асосланган таҳлили бўлиб ҳисобланади.

«Ахбор-Рейтинг» агентлиги кадрлар базаси юқори малакали, турли хил молия-кредит корхоналарида, халқаро аудиторлик ва консалтинг агентликларида ишлаш бўйича амалий тажрибага эга бўлган молиявий таҳлиличилардан иборат. Агентлик таҳлилчилари Осиё кредит рейтинг агентликлари Ассоциацияси (Association of Credit Rating Agencies in Asia - ACRAA), Осиё ривожланиш банки ва бошқа халаро молия корхоналари томонидан ташкил этилган барча тадбирлар (тренинглари, тажриба алмишишлари)да фаол қатнашиб келмодалар.

"САИПРО" компанияси 1999 йилда таъсис этилган. Бугунги кунда бу компания бизнес ғояларидан тортиб то уларни рўёбга чиқаришга қадар кенг кўламли консалтинг хизматларини кўрсатувчи профессионал жамоага айланди. 2004 йилдан бошлаб "САИПРО" компанияси янги "Ўзбекистон суғурта компаниялари рейтинги" йўналишини ўз фаолиятининг асосий турлари қаторига киритди.

Ушбу йўналишда "САИПРО" компанияси умумий суғурта секториди "Ўзбекистон суғурта компаниялари рейтинги" лойиҳасини амалга оширишни бошлади. Молиявий барарорлик ва ишонччиликни белгилаб берувчи мезонлар бўйича суғурта компанияларига рейтинг бериш лойиҳанинг мақсади ҳисобланади. Ҳозирги вақтда "САИПРО" компаниясида молиявий таҳлил ва рейтинг билан шуғулланувчи департамент ташкил этилган.

Таъкидлаш лозимки, айнан "САИПРО" компанияси Ўзбекистонда илк мартаба миллий рейтинг шкаласини ишлаб чиқди ва жорий этди. Халқаро

рейтинг шкалаларидан "САИПРО" компанияси методикасининг фарқи шундан иборатки, баҳолаш шкаласи Ўзбекистон Республикасига қаратилган.

Таъкидлаш лозимки, тажриба ортиб борган сари ва рейтинг суғурта компаниялари таклифлари ва тавсиялари, кўрсаткичлари сони компаниядаги методика сингари доимо такомиллашиб боради. Агарда аввалги йилларда рейтингда 3 ёки 4 суғурта компаниялари қатнашган бўлса, ҳозирги вақтда рейтингда ўндан зиёд компаниялар иштирок этмоқда.

"САИПРО" компаниясининг суғурталовчиларни рейтинг баҳолаш методикаси суғурталовчилар фаолиятининг муҳим мезонларини, уларнинг кучли ва заиф томонларини, келиб чиққан муаммоларни ҳал қилиш йўллари аниқлаш имконини беради, бу эса барча маҳаллий компаниялар учун долзард аҳамиятга эга.

"САИПРО" компанияси томонидан ишлаб чиқилган суғурта компаниялари ишончилигини рейтинг баҳолаш методикасининг асосий принципи ҳар бир кўриб чиқиладиган омилар бўйича унинг кўрсаткичларини миллий суғурта бозори бўйича ўртача кўрсаткичларга таққослашга ва тўлов имкониятига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатувчи омиларни аниқлашга асосланган. Бундай ёндашув "идеал" хусусиятларни инкор этган ҳолда мавжуд шароитларда энг ишончли компанияларни аниқлаш имконини беради.

Қуйидагилар "САИПРО" компанияси устувор томонлари ҳисобланади:

- компания молия бозори қатнашчилари ва давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир, бу эса кўрсатиладиган хизматлар сифатида акс этиши шубҳасиз;

- компания потенциал миждозлар ва инвесторлар билан ўтказиладиган музокаралар жараёнида фойдаланиши мумкин бўлган ҳар бир эмитент учун батафсил рейтинг ҳисоботини тайёрлайди;

- компания рейтинг ташкилотларининг ижобий нуфузи шаклланишига ва рейтинг хизматларини оммалаштиришга кўмаклашган олда ОАВда рейтинглар ва рейтинг ҳисоботларини чоп этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, суғурталовчи рейтинги ишончликни ифодалаб қолмай, балки моҳиятан қувватли ПР-воситаси ҳисобланади, чунки у кенг жамоатчилик учун мўлжалланган. Боз устига айнан рейтинг суғурталовчи барқарор портфелга эга эканлигидан, унинг фаолияти очиқ-ошкора ва компания суғурта бозорида замонавий суғурта компаниялари сингари фаолият олиб боришга тайёрлигидан далолат беради.

## **II БОБ. АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТНИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ АНИҚЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ**

### **2.1. Бухгалтерия баланси кўрсаткичлари таҳлили**

Корхоналар рейтингини корхона томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида, шунингдек ишончли деб лозим топган очиқ манбалардан олинган маълумотлар асосида берилади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам корхонанинг рейтингини унинг учун етарли миқдорда ахборот бўлгандагина берилади. Қуйидаги маълумотлар манбалари рейтинг баҳолаш учун танлаб олинади:

бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот ва корхона фаолиятига доир бошқа маълумотлар.

Рейтингни аниқлашнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

- Рейтинг олиш учун корхонанинг мурождати. Мазкур босқичда рейтинг баҳолашни ўтказиш учун шартнома имзоланади ва рейтинг олиш тартиб-қоидаси ва кейинги ҳамкорликнинг асосий нуқтаи назарлари билан боғлиқ барча масалалар мувофиқлаштирилади.
- Ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш. Таҳлил қилиш учун барча зарур ахборот тўпланишини таъминлаш учун корхона шартномада кўрсатиладиган зарур ахборот рўйхатини келтиради. Бунда таҳлилчилар вазиятларни ойдинлаштириш учун қўшимча ахборотларни сўрашга ҳақли. Берилган барча махфий ахборот қатъий махфийлик шартларида сақланади. Берилган ахборотни, шунингдек ишончли деб эътироф этилган очиқ манбалардан олинган ахборотни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш рейтинг агентлиги томонидан ишлаб чиқилган корхоналарни рейтинг баҳолаш методикасидан келиб чиқади.
- Рейтинг ҳисобитини тайёрлаш. Рейтинг бериш жараёнида тақдим этилган корхона фаолияти тўғрисидаги ахборотни таҳлил қилиш якунларига кўра таҳлилчилари батафсил рейтинг ҳисоботини тайёрлайди.

- Рейтинг бериш. Корхонанинг Молиявий ҳолатига таъсир қилувчи барча омиллар муҳокама этилганидан сўнг рейтинг бериш даражаси тўғрисида қарор қабул қилинади. Қабул қилинган қарор тўғрисидаги ахборот, шунингдек унинг асоси (рейтинг ҳисоботи) корхонага етказилади.
- Рейтингни чоп этиш. Дастлабки берилган рейтингни чоп этиш тўғрисидаги қарор фақат рейтинг агентлиги томонидан қабул қилинади. Рейтингни маълум қилиш тўрисидаги қарор корхона томонидан қабул қилинса, рейтинг агентлиги оммавий ахборот воситаларида ахборотни (шунингдек рейтинг ҳисоботини) чоп этади. Корхона уни қонитирмайдиган рейтинг чоп этилишини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. У ҳолда рейтинг баҳолаш натижалари махфийлигича қолади.
- Рейтинг мониторинги. Рейтинг берилгач, рейтинг агентлиги корхонанинг рейтингни маълум қилишга рози бўлиши ёки рози бўлмаслигидан қатъий назар корхонаҳолатининг доимий мониторингини олиб бориши мумкин. Корхонанинг молиявий ҳолатига жиддий суръатда таъсир қилиши мумкин бўлган бирор-бир ҳолат юзага келса, корхона фаолияти қўшимча таҳлил қилинади ва унинг натижаларига кўра рейтинг ўзгартирилиши мумкин.

Молиявий ҳолат рейтингини аниқлаш жараёнида корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили ички каби ташқи фойдаланувчилар томонидан ҳам таклиф этилади. Ички таҳлил мақсадларига эришиш муайян ўзаро боғлиқ аналитик вазифалар тўпламини ҳал қилиш натижасида амалга оширилади:

–корхонанинг молиявий ҳолати таҳлилида эришилган даражанинг объектив баҳоси, шунингдек, ўтган/келгуси давр, бизнес-режа ва норматив қийматлар билан қиёсан бу даражанинг ўзгаришини баҳолаш;

–молиявий ҳолат ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи сабабларни аниқлаш; омиллар таъсири характери ва ўлчамини баҳолаш;

–корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш, унинг тўлов қобилиятини, молиявий барқарорлиги ва мулкка бўнак сифатида киритилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш резервларини аниқлаш;



–резервларни мобилизациялаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Ташқи фойдаланувчилар учун корхона молиявий ҳолати таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

–корхона молиявий ҳолатининг эришилган даражасини объектив баҳолаш, шунингдек, таҳлил даври учун бу даражанинг ўзгаришини баҳолаш;

–молиявий ҳолат даражасида нормативдан оғиш сабабларини ва корхона молиявий ҳолатининг динамикада ўзгаришлари характерини аниқлаш;

–таҳлил қилинаётган корхона билан ўзаро муносабатлар имкони ва шартлари баҳоланадиган хулоса ва тавсиялар тайёрлаш.

Бошқарув қарорлари билан ишлаб чиқилган аниқ вазифаларга боғлиқликда молиявий ҳолат таҳлили у ёки бу шаклда амалга оширилиши мумкин. Молиявий ҳолат таҳлилининг мавжуд барча методикасини қуйидаги белгиларига кўра таснифлаш мумкин:

1. Тадқиқ этилаётган муаммони қамраб олиши кенглиги бўйича:

–экспресс-таҳлил – ташқи молиявий ҳисобот шакллари базасида корxonанинг молиявий ҳолати ҳақида умумий тасаввур олиш учун мўлжалланган; экспресс-таҳлил асосида салмоқли ва ҳисоблашда нисбатан мураккаб бўлмаган кўрсаткичларнинг унча катта бўлмаган миқдорини саралаш ва уларни динамикада кузатиш ётади<sup>18</sup>;

–комплекс молиявий таҳлил – ташқи молиявий ҳисобот шакллари базасида корxonанинг молиявий ҳолати ҳақида комплекс баҳо олиш, шунингдек, ҳисобот бандлари расшифровкаси аналитик ҳисоб маълумотлари, мустақил аудит натижалари ва бошқалар учун мўлжалланган;

–корxonанинг хўжалик фаолиятини умумий тадқиқ қилиш таркибий қисми сифатида молиявий ҳолат таҳлили; бундай таҳлил корхона

---

<sup>18</sup> Ковалев В. В. Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. М.: Финансы и статистика, 1998. 95-б.

фаолиятининг барча жиҳатлари – ишлаб чиқариш, молия, таъминот, савдо ва маркетинг, менежмент, ходимлар ва бошқалар бўйича комплекс баҳо олиш учун мўлжалланган;

–молиявий ҳолатнинг мўлжалли таҳлили – корxonанинг асосий молиявий муаммосини ҳал қилиш учун мўлжалланган; масалан, ташқи молиявий ҳисоботнинг асосий шакли каби ушбу муаммо билан боғлиқ ҳисобот бандларининг расшифровкаси учун базада дебиторлик қарзини оптималлаштириш.

## 2. Таҳлил субъекти ва ахборот таъминотига боғлиқлик бўйича:

–ташқи таҳлил субъектларнинг икки гуруҳи бўйича, аввало бу корxonанинг фаолияти натижаларидан бевосита манфаатдор бўлган субъектлар, иккинчидан, унинг фаолиятидан билвосита манфаатдорликка эга субъектлар бўйича ўтказилади; биринчи гуруҳни корxonанинг мулкдорлари (акционерлар), кредиторлар, инвесторлар, давлат солиқ муассасалари ва корxonанинг ҳақиқий ёки потенциал ҳамкорлари саналувчи бошқа корxonалар ташкил этади; иккинчи гуруҳ билвосита манфаатдорликка эга, лекин биринчи гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларни ўз ичига олади; булар турли аудиторлик ва консультацион фирмалар, фонд биржалари, давлат органлари, ахборот агентликлари, матбуот вакиллари, касаба уюшмалари ва б.; ташқи таҳлил корxonаларнинг эълон қилинган ва статистик ҳисоботлари бўйича олиб борилади;

–ички таҳлил субъектлари сифатида қуйидагилар гавдаланади: корxона раҳбарияти, шунингдек, турли мансабдор шахслар (менежерлар, иқтисодчилар ва б.); ушбу таҳлил корxonанинг молиявий ҳолатини чуқур тадқиқ қилиш, баланс ва фойда структурасининг кучсиз томонларини аниқлаш, кўрсаткичлар даражаси етарли эмаслиги сабабларини белгилаш, шунингдек, эълон қилинган ҳисобот кўрсаткичларини оптималлаштириш учун мос тавсияларни тақдим этишга имкон беради, яъни молиявий ҳолат ички таҳлилининг ўз вақтида ўтказилиши инвесторлар ва кредиторлар учун

корхонанинг жозибадорлигини таъминловчи ахборотлар воситасида ташқи таҳлилчилар фикрини шакллантиришни бошқаришга замин яратади.

### 3. Тадқиқот объекти йўналишларига боғлиқ равишда:

–ретроспектив таҳлил – корхонанинг молиявий ҳолатида юзага келган тенденциялар ва муаммолар таҳлили учун мўлжалланган;

–режа-ҳақиқат таҳлили – ҳисобот кўрсаткичларининг режавий кўрсаткичлардан оғиши сабабларини аниқлаш ва баҳолаш учун талаб қилинади;

–истикболли таҳлил – молиявий режалар, уларнинг мавжуд потенциал ва жорий ҳолат нуктаи назаридан асосланганлиги ва ишончилигини экспертиза қилиш учун зарур;

–норматив таҳлил – корхоналарда шаклланган кўрсаткичларни уларнинг норматив қийматларига мутаносиблигини аниқлашга имкон беради.

### 4. Ўтказиш даврийлиги бўйича:

–мунтазам таҳлил – молиявий ҳолатнинг комплекс таҳлилининг махсус тарзда қайта ишланган натижаларини муайян муддатларда, ҳар чоракда ёки ҳар ойда тақдим этиш базасида корхоналар молиясини самарали бошқаришни ташкил этиш учун мўлжалланган;

–эпизодик таҳлил – муайян бошқарув қарорлари қабул қилиш учун восита сифатида маълум вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган.

### 5. Молиявий ҳолат таҳлили методикаси муаллифига боғлиқ равишда:

–расмий методика – мутаносиб расмий органлар томонидан ишлаб чиқилган;

–муаллифлик методикаси – алоҳида муаллифлар ёки муаллифлар гуруҳи томонидан тақлиф этилган.

### 6. Таҳлил натижаларига боғлиқ равишда:

–нарсаларнинг юзага келган ҳолатини оддий тушунтириш сифатида пассив таҳлил;

–резервларни, ривожланиш даражаларини аниқлаш, амалий тавсияларни илгари суриш билан ушбу ҳолатни юзага келтирган сабабларни кўрсатган ҳолда актив таҳлил.

Акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминлашда молиявий ҳолатини рейтингини аниқлаш билан бирга биз танлаб олинган акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини асосан бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини таҳлил қилиш, аниқланган рейтингнинг асосли ёки аксинча эканлигини аниқлаш учун акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини таҳлил этиш лозим деб топдик ва “Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

**“Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг Бухгалтерия баланси активининг горизонтал ва вертикал таҳлили (минг сўмда)<sup>19</sup>.**

Мол-мулкнинг таркиби	01.01.2013		01.01.2014		01.01.2015		Ўзгариши(+;-)		
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%	01.01.2013 га нисбатан %
1	2	3	4	5	6	7	8=6-2	9=7-3	10=6/2*100-100
1. Узоқ муддатли активлар (130)	113 556 423	16,4	149 295 161	17,9	166 665 171	17,6	53 108 748	1,2	46,8
2. Жорий активлар (390)	580 271 378	83,6	685 656 638	82,1	782 073 152	82,4	201 801 774	-1,2	34,8
Шу жумладан:									
2.1 Товар-моддий захиралар (140+190+200)	257 923 787	37,2	295 698 000	35,4	391 452 024	41,3	133 528 237	4,1	51,8
2.2 Дебиторлар (210)	285 389 253	41,1	371 748 519	44,5	366 453 199	38,6	81 063 946	-2,5	28,4
2.3 Пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйилмалар(320+370+380)	36 956 979	5,3	18 210 119	2,2	24 167 929	2,5	-12 789 050	-2,8	-34,6
<b>Баланс активининг ЖАМИ:</b>	693 827 801	100	834 951 799	100	948 738 323	100	254 910 522	0	36,7

“Navoiyazot” Акциядорлик жамиятининг активлар суммаси 2013-йилга нисбатан 2015-йилда 254 910 522 минг сўмга ёки 36.7 % га ортган. Таркибий тузилиши бўйича жами активлар таркибида узоқ муддатли активлар, 2013-йилга нисбатан 53108 748 минг сўмга ёки 1.2 % га кўпайган. Жорий активлар суммаси 201 801 774 минг сумга ошган, лекин унинг

<sup>19</sup> “Навоийазот” АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

фоиздаги улуши эса -1.2 % га камайган. Бу ҳолат пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйималарнинг камайиши натижасида содир бўлган.

Жорий активлар таркибида товар-моддий захиралар суммаси 2013-йилга нисбатан 2015-йилда 133 528 237 минг сўмга ёки 4.1 % га кўпайган. Дебиторлик мажбуриятлари суммаси эса 81 063 946 минг сўмга ошган, лекин фоизда -2.5 % га камайган. Пул маблағлари суммаси давр бошига нисбатан - 12 789 050 минг сўмга пасайган унинг фоиздаги улуши ҳам мос равишда -2.8 % га камайган.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, Биз таҳлил қилаётган “Navoiyazot” Акциядорлик жамиятида 2013-йилга нисбатан 2015-йилда жами пассивлар суммаси 254 910 522 минг сўмга ёки 36.7 % га отган. Корхонада мол мулкни ташкил этувчи манбаларнинг бундай тартибда кўпайишини ижобий баҳолаша бўлади, аммо ушбу манбалар ниманинг ҳисобига бундай кўпайганлигига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Манбаларнинг кўпайиши ўз маблағлари ҳисобига ёки қарз манбалари ҳисобига эканлигини аниқлаш лозим. Акциядорлик жамиятида 2014-йилда 2013-йилга нисбатан 83 219 557 минг (147 821 492-231 041 049=83 219 557)сўмга камайган.2015-йилда эса 63 145 697 минг сўмга камайди, яъни – 27.3 % га корхонанинг ўз маблағлари манбалари камайган. Бундай натижани корхона учун ижобий деб баҳолаб бўмайди, чунки ўз маблағлари манбаларининг камайиши корхонанинг молиявий мустақиллигини камайтиради, тўлов қобилиятининг ёмонлашишига олиб келади ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишига путур еткази.

Маълумотлардан кўринадик, акциядорлик жамиятида 2015-йилга келиб 2013-йилга нисбатан, мажбуриятлар суммаси 318 056 219 минг сўмга ёки 68.7 % га ортиб кетган. Бу эса мажбуриятларнинг умумий пассивларда тутган салмоғини 15.6 % га оширган. Бундан кўринадик АЖ нинг тўлов ликвидлиги анча пасайган. Баланс пассивидаги моддаларга эътибор қаратадиган бўлсак, асосий салмоқни 2013-йилда 66.7%, 2014-йилда 82.3, 2015-йилда ҳам 82.3 % билан мажбуриятлар ташкил этиб келмоқда.

**“Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси  
пассивининг горизонтал ва вертикал таҳлили (минг сўмда)<sup>20</sup>.**

Мол-мулкнинг таркиби	01.01.2013		01.01.2014		01.01.2015		Ўзгариши(+;-)		
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%	01.01.2013 га нисбатан %
1	2	3	4	5	6	7	8=6-2	9=7-3	10=6/2*100-100
1. Ўз маблағлари манбалари (480)	231 041 049	33,3	147 821 492	17,7	167 895 352	17,7	-63 145 697	-	-27,3
2. Мажбуриятлар (770)	462 786 752	66,7	687 130 307	82,3	780 842 971	82,3	318 056 219	15,6	68,7
Шу жумладан:									
2.1 Узоқ муддатли кредит ва қарзлар (570+580+590)	2 882 854	0,4	8 773 454	1,0	61 113 118	6,4	58 230 264	6,0	2019,9
2.2 Қисқа муддатли кредит ва қарзлар (730+740)	38 721 582	5,6	59 786 201	7,2	36 201 935	3,8	-2 519 647	-1,8	-6,5
2.3 Кредиторлик қарзлари(601)	421 182 316	60,7	618 570 652	74,1	683 527 918	72,1	262 345 602	11,4	62,3
<b>Баланс активининг ЖАМИ:</b>	693 827 801	100	834 951 799	100	948 738 323	100	254 910 522	0	36,7

Акциядорлик жамиятида мажбуриятларнинг асосий қисмини кредиторлик қарзлари ташкил этмоқда - 72.1% .

Шунингдек узоқ муддатли кредит ва қарзларга эътибор берадиган бўлсак, 2013-йилда 2 882 854 минг сўмга тенг бўлган. 2014-йила эса 8 773 454 минг сўмга 2015-йилга келиб бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (жорий даврда вужудга келган, лекин келгуси даврларда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган даромад) ҳисобига кескин ошиб кетган.

Бу натижа акциядорлик жамияти учун салбий ҳолатдир. Лекин жамиятнинг қисқа муддатли кредит ва қарзлари 2015-йилга келиб -2 519 647 минг сўм ёки -1.8 %га бир мунча камайган.

<sup>20</sup> “Навоийазот” АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

**“Navoiyazot” АЖ нинг хусусий капитали ва унинг динамикасини тахлили (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар	01.01.2013 даги ҳолати	01.01.2014 даги ҳолати	Ўзгариши (2013-йилга нисбатан)		01.01.2015 даги ҳолати
			Кўпайиши	Камайиши	
1	2	3	3	4	5
1. Устав капитали	42 145 173	42 145 173	19 174 362		61 319 535
2. Резерв капитали	72 257 593	81 817 798	13 938 421		86 196 014
3. Тақсимланмаган фойда	17 394 245	15 755 302		-17 121 210	273 035
<b>ЖАМИ:</b>	<b>131 797 011</b>	<b>139 718 273</b>	<b>33 112 783</b>	<b>-17 121 210</b>	<b>147 788 584</b>


Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, биз тахлил қилаётган “Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг хусусий капитали 2013-йилга нисбатан 2015-йилда 33 112 783 минг сўмга ошган. Бу натижа корхона учун ижобий деб қаралиши лозим. Чунки бу миқдор 2013-йилга нисбатан 2015-йилда 25.1 % ( $33\,112\,783/131\,797\,011 \cdot 100 = 25.1\%$ )га ошган.

Бундай ўзгаришнинг ҳосил бўлишида 2015-йилда утав капиталининг 19 174 362 минг сўмга ва резерв капиталининг 13 938 421 минг сўмга ошуви таъсир этган.

1-диаграммада энг эътиборли жихат деб, бу тақсимланмаган фойданинг кескин пасайиб кетишини айтиб ўтиш жоиз. 2014-йилда тақсимланмаган фойда суммаси - 1 638 943 ( $15\,755\,302 - 17\,394\,245 = -1\,638\,943$ ) минг сўмга камайган бўлса, 2015-йилда -17 121 210 минг сўмга камайишини қандай изоҳлаш мумкин? Бунга нима сабаб бўлган? Бу албатта акциядорлик жамияти учун жуда ёмон натижа.

Хусусий капиталнинг қолган турлари буйича йиллар давомида ҳаракат кузатилмаган.

Тўлов қобилияти дейилганда, корхонанинг муддати келган тўлов мажбуриятларни бажариш учун зурур бўлган маблағларни етарли ёки камлигини аниқлаш тушунилади.



**1-диаграмма. Таксимланмаган фойда динамикаси.**

Тўлов маблағларига пул маблағлари, жўнатилган товар ва маҳсулотлар қиймати (ҳали пул келиб тушмаган), дебитор сотишдаги тушум ва бошқалар киради. Шунингдек қисқа муддатга олинган ссудалар ҳам вақтинча тўлов мажбуриятларни амалга ошириш учун манба бўлиши мумкин.

Қимматли қоғоз, акция сотишдан олинган маблағ ва қўшимча корхоналарда қатнашишдан келган даромадлар ҳам тўлов мажбуриятларини бажаришдаги манба бўлиши мумкин.

Тўлов мажбуриятларига мол етказиб берувчи ва пудратчиларга, бюджет ва суғуртага, меҳанат ҳақи, турли хил кредиторларга бўлган ва бошқа турдаги қарзлар киради.

Корхонанинг маълум бир кундаги тўлов қобилиятини аниқлаш учун шу муддатдаги тўлов мажбуриятлари билан маблағлар солиштирилади.

4-жадвалда биз “Navoiyazot” Акциядорлик жамиятининг 2013-2015 йиллар оралиғидаги тўлов қобилиятини таҳлил этиш жарайонида шунга гувоҳ бўлдикки, корхонанинг жами тўлов маблағлари 2013-йилнинг бошида 333 410 684 минг сўм бўлгани ҳолда, шу йилда жами тўлов қарзлари 453 693 697 минг сўм ташкил этган.



**“Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг тўлов қобилияти таҳлили(минг сўмда)<sup>21</sup>.**

Тўлаш учун маблағлар	01.01.2013 даги ҳолати, минг сўм	01.01.2014 даги ҳолати, минг сўм	01.01.2015 даги ҳолати, минг сўм	Тўлов қарзлари	01.01.2013даг и ҳолати, минг сўм	01.01.2014 даги ҳолати, минг сўм	01.01.2015 даги ҳолати, минг сўм
1. Пул маблағлари, яъни кассадаги ва ҳисоб рақамидаги пул маблағлари (330+340)	6 522 748	242 368	215 101	1. Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (қарзлар) (610)	400 929 539	568 794 608	597 729 771
2. Валюта маблағлари (350)	17125802	1 760 079	2 454 048	2. Бюджетга тўловлар бўйича қарзлари (680)	1 176 832	3 016 706	12 092 851
3. Қисқа муддатли инвестициялар, бошқа пул маблағлари ва бошқа жорий активлар (360+370+380)	13 308 75	16207 672	21 498 780	3. Солик ва мажбурий тўловлар бўйича кендиктирилган мажбуриятлар (650)	-	0	0
4. Тайёр маҳсулот (170)	11064122	178158 126	186938 859	4. Мулкий ва шахсий суғурта бўйича қарзлари (690)	0	0	0
5. Дебиторлик қарзлари (210)	285389253	371748 519	366453 199	5. Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар (700)	5 176 285	7 899 160	13 861 006
				6. Мехнатга ҳаў тўлаш бўйича қарзлар (720)	5 539 607	12 223 595	12 662 249
				7. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар (730+740)	38 721 582	59 786 201	36 201 935
				8. Бошқа жорий мажбуриятлар (760)	2 149 852	1 800 052	4 327 046
<b>Жами тўлаш учун маблағлар</b>	<b>333410684</b>	<b>568116 764</b>	<b>577559 987</b>	<b>Жами тўлов қарзлари</b>	<b>453 693 697</b>	<b>653 520 322</b>	<b>676 874 858</b>
Қарз мажбуриятларнинг кўпчилиги	-	-	-	Тўлов қарзларидан тўлов маблағларининг камлиги	-120283013	-85 403 558	-99314871
<b>Баланс</b>	<b>333 410 684</b>	<b>568 116 764</b>	<b>577 559 987</b>	<b>Баланс</b>	<b>333 410 684</b>	<b>568 116 764</b>	<b>577 559 987</b>

Бундан кўринадики, корхонада тўлов маблағларига нисбатан тўлов қарзлари -120 283 013 минг сўмга кўп. Бу корхонанинг тўлов қобилиятига эга эмаслигидан далолат беради. 2014-йилда тулов маблағлари тайёр маҳсулот (178 158 126 минг сўм) ҳамда дебиторлар қарзларининг(371 748 519 минг сўм) суммаси сезиларли равишда ўсганлиги натижасида 568 116 764 минг сўмга ошди, лекин тўлов маблағларига мос равишда тўлов қарзларининг ошиши кузатилди 653 520 322 минг сўм ва 2013-йилдагига нисбатан тўлов маблағлари ва тўлов қарзлари орасидаги фарқ бироз камайган яъни -85 403 558 минг сўмга тенг бўлди. 2015-йилда ҳам корхона тулов қобилиятини яхшилаётгани олмади. Жами тўлов маблағлари жами тўлов қарзларидан -99 314 871 минг сўмга кам бўлган.

Тўлов қарзларининг асосини эса Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга бўлган қарзлар ташкил қилмоқда. Бу эса ушбу қарзларни қисқа муддатларда тўлаб бериш лозимлигини билдиради. Акциядорлик

<sup>21</sup> “Navoiyazot” АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

жамиятининг Тўлов қобилиятини яхшилаш учун мавжуд тайёр маҳсулотларни сотиш чораларини кўриши ҳамда дебиторлик қрзларини тезда ундириб олиши керак бўлади.

Корхона баланси активдаги моддаларни пулга айланиши актив ликвидлиги, тўловга қодирлик (тўлов қобилияти) эса муддатида ва тўлиқ хажмда қарзлардан узулишни ифодалайди. Тўловга қодирликнинг зарур ва муҳим шarti ликвидликдир.

“Тўловга қодирлик” сўзи кенг маънони англатади, чунки у активдаги моддаларни тез пулга айланишидан ташқари, савдо, кредит ва бошқа пул муомалалари билан боғлиқ мажбуриятларни муддатида ва тўлиқ хажмда бажара олиш қобилиятини ҳам ифодалайди.

Шу билан бирга тўловга қодирлик молиявий барқарорликнинг ташқи кўриниши ҳамдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият юритишида банкротлик ҳолатига тушиш хавфидан сақланиш мақсадида баланс ликвидлиги таҳлили ўтказилади. Баланс ликвидлиги таҳлили учун баланс активдаги моддаларни пулга айланиш муддати пассивидаги моддалар қарзни узиш муддатлари билан таққосланади. Таҳлил натижасига кўра, баланс активдаги моддаларни сотишдан келган тушум корхона мажбуриятларини узиши учун етарли бўлса, баланс ликвидликка эга деб ҳисобланади. Умуман олганда, қуйидаги шартларга амал қилинса, корхона маблағи ҳаракатчан деб баҳоланади:

- а) доимий ҳаракатдаги активлар > муддати келган тўлов мажбуриятлар;
- б) тез сотилувчи активлар > қисқа муддатли пассивлар;
- в) секин сотилувчи активлар > ўрта ва узоқ муддатли пассивлар;
- г) қийин сотилувчи активлар < доимий пассивлар<sup>22</sup>.

Шу ўринда баланс активи ва пассивидаги ликвидлик бўйича бўлимлар таркиби нималардан иборат эканлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

---

<sup>22</sup> Вахобов А.В., Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил: Дарслик. –Т.: “Шарқ”, 2002. 36-б.

Бухгалтерия баланси ликвидлигига кўра активлар ва пассивлар қуйидагилардан иборат:

$A_1$  – доимий ҳаракатдаги активлар (пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестициялар);

$A_2$  – тез сотилувчи активлар (дебиторлик қарзлари ва бошқа жорий активлар);

$A_3$  – секин сотиладиган активлар (товар-моддий захиралар);

$A_4$  – қийин сотиладиган активлар (баланс активи 1-бўлими);

$\Pi_1$  – тўлов муддати келган мажбуриятлар (кредиторлик қарзлар);

$\Pi_2$  – қисқа муддатли қарзлар;

$\Pi_3$  – узоқ муддатли қарзлар;

$\Pi_4$  – ўз капитали (ўз маблағларини манбаи).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “Navoiyazot” акциядорлик жамиятида қисқа ва узоқ муддатли қарз ва кредитларни қайтариш имкони мавжуд. Аммо, тўлов муддати келган мажбуриятларни қоплашга пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестицияларнинг миқдори етмайди. Баланс мутлоқ ликвидликка эга бўлиши учун кўрсаткичлар қуйидаги кўринишга эга бўлиши керак.  $A_1 \geq \Pi_1, A_2 \geq \Pi_2, A_3 \geq \Pi_3, A_4 \leq \Pi_4$ .

Юқорида келтирилган шартлардан уchtаси бажарилса  $A_1 \geq \Pi_1, A_2 \geq \Pi_2, A_3 \geq \Pi_3$  корхонанинг жорий активлари унинг ташқи мажбуриятларидан юқорилигини ифодалайди. Бунда албатта  $A_4 \leq \Pi_4$ , яъни ўз маблағларининг манбаи узоқ муддатли активлардан катта бўлади. Биз таҳлил қилаётган акциядорлик жамиятида ҳам  $A_2 \geq \Pi_2, A_3 \geq \Pi_3, A_4 \leq \Pi_4$  кўриинишида яъни 1-ҳолатдан ташқари барчаси бажарилмоқда.

5-жадвал маълумотларига кура 2015 йил 1 январ ҳолатига келиб, тўлов муддати келган мажбуриятларни қоплашга товар-моддий захираларнинг етишмаслиги -445 827 929 минг сўмни ташкил этаётир. Бу сумма компаниянинг молиявий танг ҳолатда эканлигидан далолат беради.

**“Navoiyazot” акциядорлик жамияти баланси ликвидлигининг таҳлили<sup>23</sup>.**

Актив	Сумма, минг.сўм		Тутган улуши, %		Пассив	Сумма, млн.сўм		Тутган улуши, %		Тўлов манбаларини ортиқча (+), етишмаслиги (-), минг.сўм	
	2013 йил 1 январ ҳолатига	2015 йил 1 январ ҳолатига	2013 йил 1 январ ҳолатига	2015 йил 1 январ ҳолатига		2013 йил 1 январ ҳолатига	2015 йил 1 январ ҳолатига	2013 йил 1 январ ҳолатига	2015 йил 1 январ ҳолатига	2013 йил 1 январ ҳолатига	2015 йил 1 январ ҳолатига
Доимий ҳаракатдаги активлар (320+370)	6789 267	237 699 989	5,78	21,86	Тўлов муддати келган мажбуриятлар	421 182 316	683 527 918	60,70	75,31	-384 393 049	-445 827 929
Тез сотиладиган активлар (210)	285 389 253	366 453 199	44,80	33,69	Қисқа муддатли қарз ва кредитлар	38 721 582	36 201 935	5,58	3,99	246 667 671	330 251 264
Секин сотиладиган активлар (140)	201 323 208	316 787 135	31,60	29,13	Узоқ муддатли қарз ва кредитлар	2 882 854	20 025 118	0,42	2,21	198 440 354	296 762 017
Қийин сотиладиган активлар (130)	113 556 423	166 665 171	17,82	15,32	Ўз капитали	231 041 049	167 895 352	33,30	18,49	-117 484 626	-1 230 181
<b>Баланс</b>	<b>637 058 151</b>	<b>1 087 605 494</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>Баланс</b>	<b>693 827 801</b>	<b>907 650 323</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>-56 769 650</b>	<b>179 955 171</b>

Бу даражадаги катта мажбуриятларни ўз вақтида бартараф этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб, бу ишни амалга ошириш учун “Навоийазот” АЖда қуйидагиларни бажариш зарур:

- ❖ маҳсулот таннархидаги барча ортиқча харажатларни кескин камайтириш чораларини кўриш;
- ❖ қайта ишлаш корхоналари ўзларидаги мавжуд захираларидан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспорт қилиш;
- ❖ корхоналарда ишлатилмай турган бино, иншоотлар, ер майдонлари, техника жиҳозлари ва ҳоказоларни сотиш ёки ижарага бериш чораларини кўриш;
- ❖ маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда маъмурий-бошқарув харажатларини кескин қисқартириш;

<sup>23</sup> “Navoiyazot” АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

Фикримизча, юқорида белгиланган тадбирлар тармоқ корхоналари фаолиятини самарали йўлга қўйишга, мажбуриятлар ҳисоб-китобини тўғри ҳамда ўз вақтида бажарилишига хизмат қилиб, уларнинг хўжалик ва молиявий фаолияти кўрсаткичларини барқарорлашишига ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз.

## 6-жадвал

### “Navoiyazot” акциядорлик жамияти ликвидлик кўрсаткичлари таҳлили (минг сўмда)<sup>24</sup>.

Кўрсаткичлар	01.01.2013	01.01.2014	01.01.2015	Ўзгариши (+;-)	Аниқланиш тартиби ва белгиланган меъёр
1	2	3	4	5=4-2	6
Жорий ликвидлик коэффициенти	1.09	1.01	1.26	+0.17	Жорий активлар/Қисқа муддатли мажбуриятлар; белгиланган меъёр: 2 ёки ундан кўпроқ.
Тез ликвидлик коэффициенти	0.7	0.57	0.54	-0.16	(Пул маблағлари+Қисқа муддатли+ инвестиция+Деб.қарзлар)/Қисқа муддатли мажбуриятлар; белгиланган меъёр: 1 дан кам бўлмаслиги лозим.
Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	0.08	0.03	0.03	-0.05	(Пул маблағлари+Қисқа муддатли инвестициялар)/ Қисқа муддатли мажбуриятлар; белгиланган меъёр: 0,2 дан кам бўлмаслиги лозим.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, давр бошида жорий ликвидлик кoeffициенти 1.09 га, 2015-йилда эса 1.26 га тенг, яъни +0.17 пунктга кўтарилиб бироз яхшиланган. Лекин шундай бўлишига қарамасдан белгиланган меъёрга тенг бўлмаган. Бу натижани ижобий баҳолаб бўлмайди. Тез ликвидлик коэффициенти жорий қарзларни қанча қисми (захираларсиз) дебиторлик қарзларни тўлиқ ундирилган ҳолда қоплай олишини ифодалайди. Тез ликвидлик коэффициенти давр охирига келиб 0.54 гатенг бўлган. Бу кўрсаткич 2013-йилга нисбатан -0.16 га камайган. Тез ликвидлик коэффициентининг бундай пасайиш тенденциясига Қисқа муддатли мажбуриятларнинг доимий ўсиб бориши сабаб бўлган. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти тўлов қобилиятининг қатъий меъёри қисқа муддатли мажбуриятларни дарҳол мавжуд пул маблағлари билан

<sup>24</sup> “Navoiyazot” АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

копланишидир. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, қарзни узиш кафолати шунча юқори бўлади. Мутлоқ ликвидлик коэффиценти 2013-йилда 0.08га тенг бўлиб, кейинчалик бу натижа яна ҳам пастлаб 2014-йилда 0.03 ни кўрсатиб турибди.

Маълумки, жорий ликвидлик коэффиценти корхонанинг чиқарган акциялари ва облигацияларини харид этган субъект ва жисмоний шахслар учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Акциядан олинadиган дивидендлар миқдори, облигациялардан фоизлар жорий ликвидлик коэффиценти даражасига боғлиқдир. Жорий активларни қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатан юқори бўлиши резерв захирасини ҳосил қилади. Резерв захираси корхона зарар кўрганда қоплашга сарфланади. Бу кўрсаткични қанчалик юқори бўлиши кредиторларда қарзни узишга бўлган ишончини таъминлайди. Шунинг учун ҳам акциядорлик жамияти инвесторлар олдида ишончни йўқотмаслик учун ликвидлик кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратиши ва уни ошириш чораларини кўриши лозим.

Молиявий барқарорликни мутлоқ кўрсаткичлар иштирокида таҳлил этиш учун захира ва ҳаражатларни уни қоплаш манбалари билан таққослаш лозим. Захира ва ҳаражатларни қоплаш манбаларини ҳолати учун манбалар бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларидан олинади. Қоплаш манбалари таркибига ўз айланма маблағлари (ЎАМ), узоқ муддатли кредит ва қарзлар (УК), қисқа муддатли кредит ва қарзлар (ҚК) киради.

1. Ўз айланма маблағлари (ЎАМ) – Ўз капитали билан Узоқ муддатли активлар (УМА)ни таққослаш орқали ҳосил бўлади.

$$\text{ЎАМ} = \text{ЎММ} - \text{УМА}$$

бунда ЎММ- ўз маблағларини манбаи (ўз капитали)

2. Захира ва ҳаражатларни қоплашга Ўз айланма маблағлари ва Узоқ муддатли кредит ва қарзлар (ЎУ)

$$\text{ЎУК} = \text{ЎАМ} + \text{УК}$$

бунда УК – узоқ муддатли кредит ва қарзлар

3. Захира ва ҳаражатларни қоплашга жами асосий манбалар (ЖМ)

$$\text{ЖМ} = \text{ЎУҚ} + \text{ҚК}$$

бунда ҚК – қисқа муддатли кредит ва қарзлар.

7-жадвал

### Молиявий барқарорликнинг типлари

Мумкин бўлган вариантлари (N)	$\Delta \text{ЎАМ}$	$\Delta \text{ЎУҚ}$	$\Delta \text{ЖМ}$	Молиявий барқарорлик тоифалари
1	+	+	+	Мутлоқ барқарор
2	-	+	+	Нормал барқарор
3	-	-	+	Нобарқарор
4	-	-	-	Кризис ҳолат

Молиявий барқарорликнинг тўрт тоифалари қуйидагича аниқланади:

1. Мутлоқ молиявий барқарорлик

$$\Delta \text{ЎАМ} \geq 0; \quad \Delta \text{ЎУҚ} \geq 0; \quad \Delta \text{ЖМ} \geq 0; \quad S = (1,1,1)$$

2. Молиявий ҳолат нормал даражада

$$\Delta \text{ЎАМ} \leq 0 \quad \Delta \text{ЎУҚ} \geq 0 \quad \Delta \text{ЖМ} \geq 0 \quad S = (0,1,1)$$

3. Молиявий ҳолат нобарқарор

$$\Delta \text{ЎАМ} \leq 0 \quad \Delta \text{ЎУҚ} \leq 0 \quad \Delta \text{ЖМ} \geq 0 \quad S = (0,0,1)$$

4. Кризис ҳолати

$$\Delta \text{ЎАМ} \leq 0 \quad \Delta \text{ЎУҚ} \leq 0 \quad \Delta \text{ЖМ} \leq 0 \quad S = (0,0,0)$$

Молиявий ҳолат танглигини пасайтириш ундан чиқиш учун қуйидаги манбаларни жалб этиш мумкин.

- четдан жалб этилган манбалар;
- банкдан олинган кредит;
- бошқа манбалар.

**“Navoiyazot” акциядорлик жамияти молиявий барқарорлигини таҳлили  
(минг сўмда)<sup>25</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Шартл и белги	2013		2015	
			Йил боши	Йил охири	Йил боши	Йил охири
	1	2	3	4	5	6
1.	Ўз маблағларининг манбаи	ЎММ	231 041 049	138 497 884	167 895 352	174 708 654
2.	Узоқ муддатли активлар	УМА	113 556 423	139 971 553	166 665 171	356 225 732
3.	Ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси (1 сатр-2 сатр)	ЎМА	117 484 626	-1 473 669	1 230 181	-181 517 078
4.	Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	УҚ	2 882 854	8 773 454	20 025 118	191 787 656
5.	Захира ва ҳаражатларни қоплашга тегишли ўз айланма маблағлари ва узоқ муддатли қарз маблағлари (3 сатр + 4 сатр)	ЎУҚ	120 367 480	7 299 785	21 255 299	10 270 578
6.	Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	ҚҚ	38 721 582	59 786 201	36 201 935	45 701 837
7.	Захира ва ҳаражатларни қоплашнинг жами манбалари (5 сатр+6 сатр)	ЖМ	159 089 062	67 085 986	57 457 234	55 972 415
8.	Захира ва ҳаражатлар	З	90 525 418	7 726 542	20 106 768	26 985 748
9.	Захира ва ҳаражатларни қоплашга ўз айланма маблағларини ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-), (3 сатр – 8 сатр)	Δ  Δ  ЎАМ	26 959 208	-9 200 211	-18 876 587	-208 502 826
10.	Захира ва ҳаражатларни қоплашга ўз айланма ва узоқ муддатли кредит ва қарз маблағларини ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-) (5 сатр – 8 сатр)	ЎУҚ	29 842 062	-426 757	1 148 531	-16 715 170
11.	Захира ва ҳаражатларни қоплашга жами манбаларнинг ортиқча (+) ёки етишмаслиги (-) (7 сатр -8 сатр)	Δ  ЖМ	68 563 644	59 359 444	37 350 466	28 986 667
12	Молиявий барқарорликнинг типлари		Мутлоқ барқарор	Нобарқарор	Нормал	Нобарқарор

2013-йилнинг бошида “Navoiyazot” АЖнинг молиявий ҳолати мутлоқ барқарорликка эга бўлган. Захира ва ҳаражатларни қоплаш учун жами манбаларнинг кўплиги йил бошида 68 563 644 минг сўмни ташкил этган. Йил

<sup>25</sup> “Navoiyazot” АЖ бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.



охирига келиб, “Навоийазот” АЖнинг молиявий ҳолати мутлоқ барқарорликдан нобарқарор ҳолатга ўтади. Бунга сабаб, захира ва харажатларни қоплашга ўз айланма маблағлари (-9 200 211 минг сўм), узоқ муддатли кредит ва қарзларининг (-426 757 минг сўм) етишмаслиги бўлган. 2015-йилнинг бошида молиявий ҳолат нормал ҳолатга эга бўлган бўлса, шу йилнинг охирига келиб, корхонанинг молиявий ҳолати яна нобарқарор ҳолатга келиб қолади.

Бунга ҳам яна ўша захира ва харажатларни қоплашга ўз айланма маблағлари (-208 502 826 минг сўм), узоқ муддатли кредит ва қарзларининг (-16 715 170 минг сўм) етишмаслиги сабаб бўлган.

## 9-жадвал

### “Navoiyazot” акциядорлик жамияти молиявий коэффицентлар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	01.01.2013	01.01.2014	01.01.2015	Ўзгариш и (+,-)
1	2	3	4	5	6=5-3
1. Молиявий мустақиллик коэффиценти	ЎММ(480 сатр)/БС (780 сатр)	0,333	0,177	0,77	-0,156
2. Тўлов қобилияти коэффиценти	ЖА (390сатр)/Маж. (770сатр)	1,254	0,998	1,002	-0,252
3. Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффиценти	(Маж.+УММаж.(480+490сатр))/ЎММ (480сатр)	1,991	4,589	4,287	2,296
4. Захира ва харажатларни манбалари билан қопланганлик коэффиценти	(Маж.+УММаж.-УМА (480+490-130сатрлар))/ТМЗ (140сатр)	0,598	0,025	0,197	-0,401
5. Маблағларнинг чаккон ҳаракатчанлик коэффиценти	(Маж.+УММаж.-УМА (480+490-130сатрлар))/ЎММ (480сатр)	0,521	0,049	0,371	-0,15

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, “Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг молиявий аҳволига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансига асосланган ҳолда молиявий коэффицентлардан фойдаланамиз. Шунга кўра, корхонанинг молиявий мустақиллик коэффиценти 2013-йил бошига нисбатан 2015-йилда -0,156 коэффицентга ёки -15,6 % га камайган.

Тўлов қобилияти коэффиценти ҳам 2013-йилга нисбатан 2015-йилда -0.252 коэффицентга камайган. Мазкур коэффицентларнинг бундай тартибда ўзгариши АЖнинг молиявий ҳолатини жорий 2013-йилга нисбатан 2015-йилда (2014-йилда ҳам) бирмунча ёмонлашиб бораётганлигидан далолат беради. Бундан ташқари корхонада мажбуриятларнинг ўз маблағларига нисбатан улушини ўсиб бораётганлигини ҳам салбий баҳоламоқ лозим, яъни бу корxonанинг мажбуриятларини ошиб бораётганлигидан далолатдир. Маблағлар ҳаракатчанлиги эса 2013-йилга нисбатан 2015-йилда -0,15 коэффицентга камайган. Бу эса корхонада айланма маблағларга бўлган талабни янада тўлароқ қондириб бориш имконини пасайтиради. Умуман олганда корхона маълумотлари асосида унинг молиявий коэффицентлари ўрганилганда, ушбу коэффицентларнинг ўзгариши салбий бўлган.

## **2.2. Молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлили**

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобот даврида хусусий капитал қийматининг ўсиши (камайиши)ни ўзида акс эттирувчи молиявий натижа ҳисобланади. Россиялик иқтисодчи олим Н.Пошерстникнинг фикрича: “Молиявий натижалар кўрсаткичлари корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани ифодалайди”<sup>26</sup>.

Шу боисдан хўжалик юритувчи субъектда иқтисодий самарага эришиш, уни ривожлантиришдаги муҳим вазифа корxonанинг операцион, молиявий ва инвестиция фаолиятида раҳбарият томонидан даромадлар ва харажатларни самарали бошқариш усулларини эгаллаши зарур бўлади. Фойда шаклланишини самарали бошқариш бошқарув жараёнининг ташкилий-услубий тизимини барпо этиш, фойда шаклланишининг асосий механизмларини билиш, уни таҳлил ва назорат қилишда замонавий усуллардан фойдаланишни кўзда тутади.

---

<sup>26</sup> Пошерстник Н.В. Бухгалтерский учет на современном предприятии: учебно-практическое пособие. –М.: Проспект, 2011. -560 с.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклланишининг муҳим жиҳати унда акс эттириладиган фойдаланувчилар эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган кўрсаткичларнинг миқдоридир. Ушбу кўрсаткичлар миқдорининг кўпайиши фойдаланувчиларга кўпроқ маълумот беради, шу билан биргаликда уларнинг юзага келиш шартлари очиб берилади. Кўрсаткичлар миқдорининг камайиши уларни ўқишга қулай бўлади, аммо камроқ ахборот бериб, фойда ва зарарларнинг шаклланиш шартларини тўлиқ очиб бермайди.

Бугунги кунда ахборотлар шаффофлиги ва барча учун мақбулликка эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тузилиши фаолият турлари бўйича даромад ва харажатларнинг таснифланишига асосланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари шаклланишига бўлган ушбу ёндашув барча ривожланган мамлакатлар учун характерлидир. Аммо ҳисобот шаклланишидаги асосий масала тақдим этиладиган кўрсаткичларнинг ҳажмидир.

Республикамизда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” буйруғи асосида тўлдирилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”да белгиланган даромадлар ва харажатлар таснифига биноан амалга оширилади.

10- жадвал бизга “Navoiyazot” акциядорлик жамияти фаолиятининг таҳлил давридаги асосий молиявий натижалари ҳақида маълумот беради. “Navoiyazot” акциядорлик жамиятида 2015-йилда 2013- йилга нисбатан 196 532 минг сумга соф фойдаси ўсган. Маҳсулот (иш ва хизмат) сотишдан соф

тушум 2015-йил учун 488 702 455 минг сўмга, бу кўрсаткич 2013-йилда 438 569 466 минг сўмни, яъни 50 132 989 минг сўмни. Соф фойданинг ўсишига асосан, Маҳсулот (иш ва хизмат) сотишдан соф тушум 2015-йил учун 488 702 455 минг сўмга, бу кўрсаткич 2013-йилда 438 569 466 минг сўмни, яъни 50 132 989 минг сўмга ёки 11.4% га ўсганлиги сабаб бўлган.

## 10-жадвал


### “Navoiyazot” акционерлик жамиятида молиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларининг тахлили (минг сўмда)<sup>27</sup>.

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	Ўзгариши (+,-)		Ўртача йиллик баҳо, минг сўмда.
	Сумма, минг сўм	Сумма, минг сўм	Сумма-даги	Минг сумда	Салмо-тидаги	
1	2	3	4	5=4-2	6=(4-2)/2*100	7=(2+3+4)/3йилга
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум	438 569 466	580 476 745	488 702 455	50 132 989	11,4	502582888,7
2. Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) таннари	381 401 588	498 469 367	420 451 736	39 050 148	10,2	433440897
3. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи (1-2)фойда	57 167 878	82 007 378	68 250 719	11 082 841	19,4	69141991,7
4. Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар	64 726 342	81 464 897	66 708 717	1 982 375	3,1	70966652
5. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	4 540 009	3 941 623	5 283 070	743 061	16,4	4588234
6. Умумхужалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	780 200	841 043	990 853	210 653	27,0	870698,7
7. Фавқулддаги фойда ва зарарлар	-	-	-	-	-	-
8. Даромад солиги тулагунга қадар фойда (зарар)	780 200	841 043	990 853	210 653	27,0	870698,7
9. Даромад (фойда)дан солиқ ва бошқа солиқлар	546 156	568 008	560 277	14 121	2,6	558147
10. Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар	234 044	273 035	430 576	196 532	84,0	312551,7

Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар 2013-йилда 64 726 342 минг сўмни, 2014-йилда 81 464 897 минг сўмни кўрсатиб турибди. 2015-йилда эса давр харажатлари

<sup>27</sup> “Navoiyazot” АЖ “Молиявий натижалар тўғрисидаги” ҳисоботи маълумотлари асосида тайёрланди.

(2014-йилга нисбатан олиб қараганда) камайган 66 708 717 минг сўм. Демак, Акциядорлик жамияти маҳсулот таннархини пасайтириши ва давр харажатларини қисқартириш чораларини кўриши лозим.



**2-диаграмма. Маҳсулот (иш ва хизмат) сотишдан соф тушум ва соф фойда динамикаси.**

Корхона фаолият натижавийлигига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири- рентабелликдир.

11-жадвалда “Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг 2013-2014-2015-йиллар давомидаги соф фойдаси мос равишда 234 044; 273 035 ва 430 576 минг сўмни ташкил этган. Юқоридаги жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, ялпи фойданинг масулот (иш ва хизматлар) сотишдан соф тушумдаги улуши 2013-йилда 13 %га тенг бўлса демак, бундан шуни англаб олиш мумкинки, сотилган масулот (иш ва хизматлар)нинг таннархи 87% ни тақил этар экан. Бундай йирик корхоналар учун 234 млн сўм фойда жуда кам ҳисобланади. Фойданинг камлиги натижасида рентабеллик ҳам айтарли бир яхши ҳолатда эмас. АЖда 2012-йилда соф фойда 15 451 849 минг сўмга тенг бўлган.

## Рентабеллик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	Ўзгариш суръати, %
1	2	3	4	5 =4-2
1. Ялпи фойданинг соф тушумга нисбат коэффиценти	13	14,1275	14	+1
2. Соф фойданинг соф тушумга нисбат коэффиценти	0.0005	0,0470	0,0881	+0.0876

Демак, рентабеллик кўрсаткичлари ҳам фойдага мос ҳолатда паст бўлганини билиш мумкин. Лекин, 2013-йилдан бери корхонанинг фойдаси жуда кам бўлиб келмоқда. Шунинг учун “ Navoiyazot” АЖнинг рентабеллигини паст баҳолашимиз мумкин.

### 2.3. “Navoiyazot” акциядорлик жамияти молиявий ҳолатини рейтинги ва уни аниқлаш

Биз мамлакатимизда мавжуд фаолият юритаётган барча акциядорлик жамиятлари (тижорат банклари ва суғурта компанияларидан ташқари)нинг молиявий ҳолатига баҳо бериш учун акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолати рейтинги аниқлашнинг қуйидаги кўринишини таклиф қиламиз. Рейтинг аниқлашда биз асосан мажбуриятларнинг активдаги улуши (бу кўрсаткич мажбуриятлар жами активларнинг 60% ошмаганда ижобий ҳолатдир), Узоқ муддатли мажбуриятларнинг ўз маблағлар манбаси ва асосий воситалар йиғиндисиги нисбати, ликвидлик кўрсаткичлари, хусусий капитал фойдалилиги кўрсаткичлари, фойданинг активлар суммасидаги улуши шунингдек, маҳсулот сотишдан тушган соф тушумнинг ўсиши каби кўрсаткичлардан фойдаландик.

Рейтинг аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар<sup>28</sup>

Кўрсаткичлар	01.01.20 13(% да)	01.01.20 14(% да)	01.01.201 5(% да)	Ўзгариши (+;-)(% да)	Аниқланиш тартиби ва белгиланган меъёр
	2	3	4	5=4-2	6
Жами мажбуриятнинг жами активларга нисбат коэффиценти	0,67	0,82	0,82	0,15	Жами мажбурият/Жами актив; белгиланган меъёр: 0.6 ёки камроқ Энг оптимал чегараси (0,3-0,5)
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг ўз маблағлар манбаси ва асосий воситалар йиғиндисиги нисбати	0,04	0,09	0,56	0,52	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг/(Ўз маблағлар манбаси + асосий воситалар); белгиланган меъёр: 1.25дан кўп бўлмаслиги керак.
Жорий ликвидлик коэффиценти	1.09	1.01	1.26	0,17	Жорий активлар/Жорий мажбуриятлар; белгиланган меъёр: 2 ёки ундан кўпроқ.
Ораликни қоплаш ликвидлик коэффиценти	0.7	0.57	0.54	-0,16	(Пул маблағлари+Қисқа муддатли+ инвестиция+Деб.карзлар)/Қисқа муддатли мажбуриятлар; белгиланган меъёр: 1 дан кам бўлмаслиги лозим.
Мутлоқ ликвидлик коэффиценти	0.08	0.03	0.03	-0,05	(Пул маблағлари+Қисқа муддатли инвестициялар)/Қисқа муддатли мажбуриятлар; белгиланган меъёр: 0,2 дан кам бўлмаслиги лозим.
Хусусий капитал фойдалилиги кўрсаткичи (Return On Equity)	0,13	0,16	0,25	0,12	Соф фойда/Ўз маблағлар манбаси ўртача йиллик қиймати ; белгиланган меъёр: 12% ёки ундан юқори
Активларнинг жами суммасига тўғри келадиган фойда ссуммаси кўрсаткичи (Return On Assets)	0,03	0,03	0,04	0,01	Соф фойда/Жами активларнинг ўртача йиллик қиймати ; белгиланган меъёр: 6% ёки ундан юқори
Маҳсулот сотишдан соф тушумнинг ўсиши	-5.6	+32.4	-15.8	-21.4	Ҳисобот даври Маҳсулот сотишдан соф тушум/Ўтган давр Маҳсулот сотишдан соф тушум

<sup>28</sup> ReadyRatios.com сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Молиявий ҳолат рейтингининг калкуляцияси<sup>29</sup>

Кўрсаткичлар	Кўшимча фактор	Балл			Ўртача балл (3-устун х 0.25 + 4-устун х 0.6 + 5-устун х 0.15)	Кўшимча фактор ва Ўртача балл кўпайтмаси (2-устун х 6-устун)
		Ўтган давр	Жорий давр	Келгуси давр		
1	2	3	4	5	6	7
<b>I. Молиявий ҳолат рейтинг</b>						
Жами мажбуриятнинг жами активларга нисбат коэффициенти	0.3	-1	-2	-2	-1,75	-0.525
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг ўз маблағлар манбаси ва асосий воситалар йиғиндисиги нисбати	0.15	+2	+2	+2	+2	+0,3
Жорий ликвидлик коэффициенти	0.2	-1	-2	-2	-1,75	-0.35
Ораликни қоплаш ликвидлик коэффициенти	0.2	-1	-2	-2	1,75	-0.35
Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	0.15	-2	-2	-2	-0,3	-0,3
Жами	1	<b>Яқуний балл (Жами: 7-устун : 2-устун):</b>				<b>-1,225</b>
<b>II. Молиявий фойдалилиги рейтинг</b>						
Хусусий капитал фойдалилиги кўрсаткичи (Return On Equity)	0.5	-2	-2	-2	-2	-1
Активларнинг жами суммасига тўғри келадиган фойда суммаси кўрсаткичи (Return On Assets)	0.3	-2	-2	-2	-2	-0,6
Маҳсулот сотишдан соф тушумнинг ўсиши	0.2	+1	+2	+1	+1,6	+0,32
Жами	1	<b>Яқуний балл (Жами: 7-устун : 2-устун):</b>				<b>-1,28</b>

“Navoiyazot” АЖ нинг молиявий ҳолати яқуний рейтинг бали:

$$(-1.225 \times 0,6) + (-1.28 \times 0,4) = -1.247(\text{С Жуда ёмон})$$

Юқоридаги жадвалдадан шундай хулосага келиш мумкинки, корхонанинг молиявий фойдалилик даражаси ҳам молиявий ҳолати ҳам **Жудаёмон “С”**. Чунки, молиявий фойдалилик кўрсаткичларининг яқуний бали **-1,225**ни молиявий ҳолати рейтингининг яқуний бали эса **-1.28**га тенг. Бу икки бални алоҳида-алоҳида рейтинг шкаласига қўядиган бўлсак,

<sup>29</sup> ReadyRatios.com сайти маълумотлари асосида тайёрланди.



-1.2	-1.6	С	Ёмон
------	------	---	------

Айнан мана шу ораликка тўғри келади.

13-жадвал

### Молиявий ҳолат рейтинги шкаласи

Умумий балл		Белги	Молиявий ҳолатнинг баҳо сифати
дан	гача (сўнг чегара ҳам киради)		
2	1.6	AAA	Аъло
1.6	1.2	AA	Жуда яхши
1.2	0.8	A	Яхши
0.8	0.4	BBB	Ижобий
0.4	0	BB	Ўртача
0	-0.4	B	Қониқарли
-0.4	-0.8	CCC	Қониқарсиз
-0.8	-1.2	CC	Ёмон
-1.2	-1.6	C	Жуда ёмон
-1.6	-2	D	Кризис

“AAA”-“AA” корxonанинг молиявий ҳолати “аъло” (“жуда яхши”) даражада эканлигидан далолат беради. Яъни, унинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли мажбуриятларини бажара олиш қобилитини англатади. Бундай рейтингга эга ташкилотлар ишончли қарздорлар гуруҳига кириб, юқори кредит лаётига эга корxonалар ҳисобланади.

“A”- “BBB” рейтинг кўрсаткичи корxonаларнинг молиявий ҳолати “Яхши” (“Ижобий”) эканлигини англатиб, қисқа муддатли мажбуриятларини бажара олиш қобилитига эга ҳисобланади. Ушбу рейтингга яхши тўлов

қобилиятига эга бўлган, кредит олиш имконияти юқори бўлган ташкилотлар киритилади.

“BB”- “B” рейтинг кўрсаткичига “Ўртача” (“Қониарли”) молиявий ҳолатга эга бўлган корхоналар киритилади. Бундай корхоналар яхши ҳамкор бўла олиши мумкин.

“CCC”- “CC” рейтинг кўрсаткичи “Қониқарсиз” (“Ёмон”) молиявий ҳолатдан гувоҳлик беради. Бундай корхоналар кредит олаётганда кредитнинг қайтарилишига ишончли қафолатлар қўйилиши лозим бўлади.

“C”- “D” рейтинг кўрсаткичи “Жуда ёмон” (“Кризис”) молиявий ҳолатга эга бўлган корхоналарга берилади. “D” рейтингини олган корхоналар яқин келажакда фаолиятини тўхтатиши ёки банкрот (дефолт) бўлиши эҳтимоли жуда юқори эканлигидан далолат беради.

#### 14-жадвал.

#### “Navoiyazot” АЖ нинг яуний молиявий ҳолат рейтинги

Молиявий фойдалилиги таҳлил ўтказилган давр учун (01.01.13- 31.12.15)	Молиявий ҳолати 31.12.2015									
	AAA	AA	A	BBB	BB	B	CCC	CC	C	D
Аъло (AAA)										•
Жуда яхши (AA)										•
Яхши (A)										•
Ижобий (BBB)										•
Ўртача (BB)										•
Қониқарли (B)										•
Қониқарсиз (CCC)										•
Ёмон (CC)										•
Жуда Ёмон (C)	•	•	•	•	•	•	•	•	V	•
Кризис (D)										

“NAVOIYAZOT”  
АЖ нинг яуний  
молиявий ҳолат  
рейтинги (таҳлил  
даври:  
01.01.2013дан  
31.12.2015гача ):  
  
C(Жуда Ёмон)

Хулоса ўрнида таҳлил этилган давр бўйича қисқача қуйидагиларни келтириб ўтиш жоиз:

✓ “Navoiyazot” АЖ да дебеторлик қарзлари жорий активларнинг 41.3%(01.01.2015да)ини ташкил этган. АЖ дебеторлик қарзларини тезлик билан ундириб олиши ва келгусида бу жиҳатга жиддийроқ эътибор бериши лозим.

✓ Акциядорлик жамиятининг кредиторлик қарзлари жами мажбуриятнинг 72.1% (01.01.2015да)ни ташкил этган. Жами мажбуриятларнинг жами активдаги улуши 2013-йилда 70%га, 2014-2015-йилларда 80%гача тенг бўлиши- салбий ҳолат ва бу ҳолат корхонанинг молиявий қарқмлигини келтириб чиқаради.

✓ Корхоналарнинг фаолият юритишдан мақсад – бу фойда олишдир. Бу борада “Navoiyazot” АЖнинг соф фойдаси анча паст, йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бунга сабаб, сотилган маҳсулот таннарихи ва давр харажатларининг (ялпи фойданинг 97.7% ини 01.01.2015 йилда ташкил этган)нинг юқори эканлигидир. Корхона таннархни пасайтириш ва давр харажатларни қисқартириш чорларини кўриши лозим.

✓ АЖнинг тўлов қобилиятига биз таҳлил қилган ҳеч бир йилда эга эмаслигига гувоҳ бўлдик.

✓ 2013-йилнинг бошида “Навоийазот” АЖнинг молиявий ҳолати мутлоқ барқарор 2015-йилнинг охирига келиб, корхонанинг молиявий ҳолати яна нобарқарор ҳолатга келиб қолади. Бунга ҳам яна ўша захира ва харажатларни қоплашга ўз айланма маблағлари (-208 502 826минг сўм), узок муддатли кредит ва қарзларининг

### **Банкротликни башоратлаш тести<sup>30</sup> (Алтман Z-score)**

Алтман Z-score 4-факторли модели корхоналарнинг банкротлик учраш эҳтимоли мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш учун қўлланилади:

$$Z\text{-score} = 6.56T_1 + 3.26T_2 + 6.72T_3 + 1.05T_4, \text{ бу ерда}$$

---

<sup>30</sup> ReadyRatios.com сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

## Алтман Z-score 4-факторли модели

Белгиси	Ҳисобланиши	Коэффициенти 31.12.2015да	Қўшимча фактори	Натижа (3устун х 4- устун)
T <sub>1</sub>	Ишчи капитал / Активлар суммаси	0.0012966	<b>6.56</b>	0.008505696
T <sub>2</sub>	Тпқсимланмаган фойда / Активлар суммаси	0.0002878	<b>3.26</b>	0.000938228
T <sub>3</sub>	Фоишлар тўлангунга қадар фойда / Активлар суммаси	0.0010444	<b>6.72</b>	0.007018368
T <sub>4</sub>	Ўз маблағлар манбаси / Жами мажбуриятлар	0.2150181	<b>1.05</b>	0.225769005
Алтман Z-score:				0,242231297

Банкротликни фарқлаш зоналари:

- 1) 1.1 ёки ундан кам – “Тушкунлик” зона (банкротлик эҳтимоли юқори).
- 2) 1.1дан-2.6 гача – “Кулранг” зона (банкротлик эҳтимоли паст).
- 3) 2.6 ёки кндан юқори – “Ҳавфсиз” зона (банкротлик эҳтимоли йўқ).

Ҳисоб-китобларга кўра, таҳлил даврининг охирида “Navoiyazot” Акциядорлик жамиятининг Алтманнинг Z-score модели бўйича банкротликка учраши даражасини 0,242231297га тенг эканлига қайд этилди, яъни бу дегани, “Тушкунлик” зонасига тўғри келмоқда. Демак корхонанинг банкротлик эҳтимоли юқори. Демак “Navoiyazot” акциядорлик жамиятида иқтисодий соғломлаштириш ишларини бошлаш керак, акс ҳолда жамият ўз фаолиятини тез орада тўхтатишига тўғри келади.

## **III БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА РЕЙТИНГ АНИҚЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

### **3.1. Акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**

Корпоратив бошқарувнинг асосий мақсади акциядорлик жамияти барқарор ривожланиши учун самарали бошқариш тизимини яратишдан иборат. Унинг вазифалари эса акциядорлар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият бошқарув органлари ваколатларини аниқ белгиланган ҳолда шакллантириш, инқестцион жозибadorлигини ошириш, маълумотларни тезкорлиги ва ҳақиқийлигини таъминлашга қаратилган.

Яна бир муҳим жиҳати корпоратив бошқарувда шаффофлик ва ҳалоллик, ҳисобдорлик ҳамда маъсулятликдан иборат тамойилларига таянилади. Бундай бошқарув жорий қилинганда ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади, пул маблағларидан оқилона фойдаланилади, меҳнат унумдорлиги кутарилади, инвестицион ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун керакли маблағларни жалб қилиш ҳамда жамият рентабеллик даражаси юксалади.

Умуман, шу каби яна бир қатор жиҳатлар корпоратив бошқарув тизимига асослаган акциядорлик жамиятларининг давлат корхонасига нисбатан устунлигини кўрсатмоқда. Шу боис ҳам Президентимизнинг кейинги маърузаларида, айниқса “2015-йилда иқтисодиётимизда туб ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнлари изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузасида бир нечта муҳим йўналишдаги масалалар бўйича тегишли чораларни ҳаётга татбиқ этишнинг моҳияти ва аҳамияти, бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилди. Корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жарёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш, корпоратив ёки акциядорлик

бирлашмаларининг фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолаш, уларни хорижий давлатлардаги ана шундай корхоналар билан таққослаб кўриш каби вазифалар қўйилди.

Шулардан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2015-йил 24-апрельдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унда корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг бир нечта асосий йўналишлари доирасида амалга ошириладиган вазифалар белгиланган.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида қуйидагилар корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.<sup>31</sup>:

- халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

- эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш;

- акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув

---

<sup>31</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-4720 “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент .,2015 йил 24 апрель.

ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

- етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.03.2015 йилдаги ПҚ-2327 сонли қарори билан АЖ лар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссия тузилди.

Ушбу комиссияни ташкил қилинишидан асосий мақсад, хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўламини кенгайтириш, давлат активларини бошқариш самарадорлигини янада ошириш, давлат улушига эга акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириб, республикада замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилишдан иборатдир.

Қарорнинг 2-бандига асосан Комиссиянинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

-АЖ лар фаолиятини тартибга солувчи халқаро ва маҳаллий қонунчиликни тажрибада қабул қилинган самарали корпоратив бошқарувни ташкил қилишга қаратилган принциплар ва ёндашувларни чуқур ўрганиб чиқиш ва бунинг асосида корпоратив ҳуқуқ соҳасида республиканинг норматив-ҳуқуқий базасини яратиш;

-АЖ лар фаолиятини тизимли кўриб чиқишни ўтказиш, уларнинг ташкилий тузилмасини, молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш натижаларини, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорлардаги тадаб даражасини, шунингдек уларнинг келажакдаги ривожланиш истиқболларини танқидий таҳлил қилиш;

-Иқтисодиётда давлат иштирокининг энг мақбул ҳолисона баҳолаш, давлат улуши стратегик ва иқтисодий жиҳатдан сақлаб қолиниши зарур деб ҳисобланадиган тармоқлар ва корхоналарни аниқлаб олиш ва бунинг асосида

акциядорлик жамиятларидаги давлат улушларини инвесторларга, биринчи навбатда хорижий инвесторларга сотиш бўйича такдиф киритиш;

-АЖ ларга инвестиция киритиш учун етакчи чет эл компанияларини ва хорижий инвесторларини янада фаол ва кенг миқёсда жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

-АЖ лар фаолиятида корпоратив бошқарув соҳасида халқаро норма ва стандарларни жорий қилишга, ушбу соҳада республикада фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тажрибасидан кенг фойдаланишга ёрдам кўрсатиш, шу жумладан миноритар акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни жамиятлар бошқарувида фаол қатнашиши бўйича чоралар кўриш;

-АЖ лар фаолияти натижалрини ҳолисона баҳолаш учун халқаро тажрибага таяниб ягона меъёрларни ишлаб чиқиш;

-Самарасиз фаолият кўрсатаётган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган АЖ ларни қайта ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Шунингдек, мазкур Қарор билан 13кишидан иборат Комиссия аъзолари (шу жумладан котиб), Комиссия тўғрисидаги низом тасдиқланди ва Комиссиянинг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Рақобат Қўмитаси этиб белгиланди. Комиссия раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари ҳисобланади

Бугунги кунда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, бу борадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ишларини янада кенгайтирмоқда. Айни пайтда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш борасида корпоратив менежментнинг замонавий услубларини жорий қилиш, бошқарув ходимларининг касб маҳорати ва салоҳиятини ошириш, юқори малакали чет эллик менежерларни жалб этиш, хусусий мулк, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, корхоналар фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилашда уларнинг ролини оширишни кўзда тутадиган



дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиладиган.

Шу билан бирга, реал иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида давлат иштирокини тубдан қисқартиришни назарда тутадиган 2015-2016 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича дастур ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Иқтисодийда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш дунёнинг аксарият давлатларида долзарб вазифадир, – дейди Вена молиявий ҳисобдорлик тизимини ислоҳ қилиш маркази раҳбари Анри Фортин. – Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича пухта ўйланган стратегиянинг амалга ошириладигани ва менежерларнинг пухта билимга эга экани ушбу жараёнлар муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда<sup>32</sup>.

Халқаро экспертлар мамлакатимиз иқтисодийда хусусий секторнинг улушини ошириш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаётга татбиқ этиладиган чора-тадбирларни юқори баҳолаб, Ўзбекистон улкан инвестиция салоҳиятига эга эканини таъкидлади. БМТнинг баҳосига кўра, Ўзбекистон бизнесни юритишни енгиллаштириш соҳасида олиб бориладиган ислохотлар кўлами бўйича жаҳондаги дастлабки ўнта давлат қаторидан ўрин олгани ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг тобора ривожланиши учун яратиладиган қулай шароит ва имкониятлар қимматли қоғозлар бозорини фаоллаштириш орқали иқтисодийтимизни юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

### **3.2. Рейтинг аниқлаш бўйича халқаро рейтинг компанияларининг тажрибаси**

Рейтинг компаниялари деганда, албатта, дастлабки фикр бугунги кунда халқаро рейтинг агентликлари, машҳур уч йирик компаниялар ҳақида бўлади. Улар қуйидагилардир:

<sup>32</sup>[http://uza.uz/oz/society/tara-iyetimizning-mu-im-omili--05-03-2015?sphrase\\_id=441081](http://uza.uz/oz/society/tara-iyetimizning-mu-im-omili--05-03-2015?sphrase_id=441081).

Moody's InvestorsService (Moody's),

FitchRatings

Standard&Poor's (S&P).

Бу компаниялар рейтинг аниқлаш бўйича тажрибага эга ҳисобланиб, асосан банкларнинг кредитга қодирлиги бўйича рейтинглари аниқлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Масалан, Moody's InvestorsService (Moody's) компанияси 1909-йилда Джон Муди (1868-1958йй.) томонидан ташкил этилган бўлиб, дунёнинг 26 мамлакатада ўзининг агентликлари фаолият юритмоқда ва бу агентликларда 4500 дан зиёд экспертлар турли рейтинглар бўйича изланишлар олиб боришмоқда ва уларни амалиётга татбиқ этишмоқда. Ҳозирда Moody's куйидаги рейтинг гуруҳлари бўйича рейтинг эълон қилади<sup>33</sup>:

1. Умумий кредит рейтинги (Корпоратив эмитентларнинг узоқ муддатли қарз мажбуриятлари бўйича рейтинг, Ўрта муддатли қарз мажбуриятлари бўйича рейтинг, Қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича рейтинг, Эмитент рейтинги);

2. Маҳсус (тармоқлар бўйича) рейтинглар (Молиялаштириш тузилиши, муниципал мажбуриятлар бўйича рейтинг, Корпоратив рейтинг, Банк депозитлари бўйича рейтинг, Банкларнинг молиявий барқарорлиги рейтинг, Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлиги рейтинги, Молия бозорлари рейтинги ва облигация фондлари рейтинги, Миллий шкала бўйича рейтинг);

3. Бошқа кредитга оид бўлмаган рейтинглар (Акция фондларининг рейтинги, Бозор рисклари рейтинги, Инвестицион бошқарувчиларнинг хизмат сифати рейтинги, Сервис агентларининг хизмат сифати рейтинги, Хеджфондларнинг операцион фаолияти сифати рейтинги, Ишончли шахсларнинг хизмат сифати рейтинги ва шу кабилар бўйича).

Корпоратив бошарув самарали бўлишида асосий мезонлардан бири бу – акциядорлик жамияти ҳақидаги молиявий ҳисоботларнинг ва муҳим шу

---

<sup>33</sup> Moody's InvestorsService "Rating Symbols and Definitions". 2015 august/1-бет.

каби ахборотларнинг ўз вақтида қарорлар қабул қилишдаги ўрни, бу қарорлар қабул қилинишида корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилини ўтказиш муҳим ўрин эгаллайди.

Шунинг учун ҳам акциядорлик жамияти молиявий ҳолати ҳақида ишончли ахборотларнинг қанча кўп бўлиши акциядорлик жамияти фаолиятига бўлган қизиқишнинг ортишига, жамиятнинг фаолияти, унинг фойдалилик даражаси юқори бўлса, бунинг натижасида инвеститсияларни жалб қилиш жараёни ҳам тезлашиши кутилади.

Шу нуқтаи назардан караганда, корхоналарнинг молиявий ҳолати бўйича рейтинг баҳолаш тизимини мамлакатимизда йўлга қўйиш албатта, фойдадан ҳоли эмас.

Биз айна пайтда Россияда, Европа ва боша мамлактларда мавжуд бўлган турли хил молиявий ҳолатни аниқлашда ўзларининг илмий изланишлари натижасида яратилган рейтинг баҳолаш тизимлари билан танишиб чиқамиз.

1-усул.Биринчи бўлиб, рейтинг аниқлашда энг содда усулардан бири бўлган рейтингнинг қуйидаги методикаси билан танишамиз. Бу методика бўйича рейтингда Критик ликвидлик, жорий ликвидлик ва молиявий мустақиллик коэффициентларидан<sup>34</sup> фойдаланилади.

Бу коэффициентларни аниқлаб бўлинганидан кейин аниқланган коэффициентларни 3 та классга ажратилади. Бу ҳолат қуйидаги кўринишда бўлади:

## 16-жадвал

### Рейтинг класслари<sup>35</sup>

Кўрсаткичлар	И класс	II класс	III класс
1.Критик ликвидлик коэффициенти	1дан юқори бўлса	0.6 дан 1 гача бўлса	0.6 дан паст бўлса
2.Жорий ликвидлик коэффициенти	2 дан юқори бўлса	1.5 дан 2 гача бўлса	1.5 дан паст бўлса
3.Молиявий мустақиллик коэффициенти	0.4 дан юқори бўлса	0.3 дан 0.4гача бўлса	0.3 дан паст бўлса

<sup>34</sup> Moody's InvestorsService "Rating Symbols and Definitions". 2015 august/1-бет.

<sup>35</sup> GreatFin.com/Рейтинговая оценка финансового состояния предприятия

Бу жадвалда коэффицентларнинг белгиланган меъёрий чегаралари орқали “класс”ларга ажратилган. Ундан кейинги жараёнда эса ҳар бир кўрсаткич бўйича рейтинг баллари бериб чиқилади:

#### 17-жадвал

#### Рейтинг балллари<sup>36</sup>

№	Кўрсаткичлар	Рейтинг балл
1	Критик ликвидлик коэффиценти	40 балл
2	Жорий ликвидлик коэффиценти	35 балл
3	Молиявий мустақиллик коэффиценти	25 балл

Жами рейтинг балларини йиғиндиси 100 баллга тенг. Бунда асосий ўринни критик ликвидлик коэффиценти эгалламода -40 балл.

Яқуний Рейтинг баҳосини бериш қуйидаги жадвал бўйича аниқланади (Мисол тариқасида):

I класс: 100 баллдан 150 баллгача;

II класс: 151 баллдан 220 баллгача;

III класс: 221 баллдан 275 баллгача;

IV класс: 275 баллдан юқори.

I классга кирувчи ташкилотлар молиявий ҳолати барқарор ва барча кўрсаткичлар бўйича энг яхши натижага эга.

II классга молиявий ҳолати барқарор ва кўрсаткичлар бўйича энг яхши ҳолатдан бироз пастлаган кўрсаткичларга эга ташкилотлар киритлади.

III классга эса риск даражаси ортиб бораётган ва молиявий ҳолати ёмонлашган, лекин ҳали тўлов қобилияти мавжуд бўлган корхона, ташкилотлар киритилади.

IV классга молиявий ҳолати қониарсиз ҳолатда бўлган ва ўзини тиклаб олиши қийин бўлган корхоналар киритилади.

Демак юқорида мисол тариқасида олинган корхонанинг молиявий ҳолати барқарор ва кўрсаткичлар энг яхшидан бироз пастроқ бўлган корхоналар сирасига кирар экан.

<sup>36</sup> GreatFin.com/Рейтинговая оценка финансового состояния предприятия.

Рейтинг баҳолаш<sup>37</sup>

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида
1. Критик ликвидлик коэффициенти	0,543	0,541
Класс	III	III
Рейтинг	40	40
Балл	$120=(III*40)$	$120=(III*40)$
2. Жорий ликвидлик коэффициенти	1,99	1,95
Класс	II	II
Рейтинг	35	35
Балл	$70=(II*35)$	$70=(II*35)$
3. Молиявий мустаиллик коэффициенти	0,77	0,76
Класс	I	I
Рейтинг	25	25
Балл	$25=(I*25)$	$25=(I*25)$
Жами балл	215	215

Бу усул корхоналар молиявий ҳолатини тўлиқлигича очиб бера олмайди ундана фойдаланиш ҳар доим ҳам тўғри ва ишончли бўлмаслиги мумкин.

2-усул. Энди қуйидаги рейтинг аниқлаш услубини кўриб чиқамиз:

Бу усулнинг муаллифлари рейтинг аниқлаш дейди: “ бир сўз билан айтганда, корхонанинг молиявий ҳолати ва ривожланиш истиқболларини аниқлаш ва хулоса чиқариш учун зарурдир”. Рейтинг аниқлашда энг муҳим бўлиб ҳисобланган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бунда асосий ўринни-Жорий даврга 0.65 % ни ажратган. Ўтган давр учун эса 0.35 % берилган.

Натижани акс эттириш учун “D” дан “AAA”<sup>38</sup> гача бўлган классик шкаладан фойдаланиб, молиявий ҳолат рейтинги аниқланган.

Ҳар бир кўрсаткичлар бўйича рейтинг баҳоси энг яхши (+1), ўртача (0) ва қониарсиз (-1) кўрсаткичларга бўлинган. Бундан ташқари фақат бир йил учун эмас 2йиллик таҳлилни амага ошириб кейин, рейтинг аниқланмода. Танлаб олинган 10 та кўрсаткичлар ҳам жуда ўринли, таъбир жоиз бўлса маҳорат билан танланган. Берилган 10 та кўрсаткичнинг жами 1га тенг

<sup>37</sup> GreatFin.com/Рейтинговая оценка финансового состояния предприятия

<sup>38</sup> Finalon.com/Главная/Методика анализа/Рейтинговая оценка финансового состояния предприятия

бўлмода. Агар уни 100% деб олсак, кўрсаткичлар муимлик даражасидан келиб чиан олатда 5-10-15% лик кўрсаткичларга ажратилган.

## 19-жадвал

### Рейтинг баҳолаш методикаси<sup>39</sup>

Кўрсаткичлар	Кўрсаткич улуши	Балл	Рейтинг баҳоси		Ўртача баҳо	Улуш билан биргаликдаги баҳоси
			1-йил	2-йил		
1	2	3	4	5	6	7
1. Сотилган маҳсулот рентабеллиги	0,15	5% дан юқори - (+1) балл; 0-5% оралигида бўлса - 0 балл; 0 % дан паст бўлса - (-1) балл.	a1	б1	$c1=a1*б1$	$c1*0,15$
2. Активлар рентабеллиги	0,15	20% дан юқори - (+1) балл; 0-20% оралигида бўлса - 0 балл; 0 % дан паст бўлса - (-1) балл.	a2	б2	$c2=a2*б2$	$c2*0,15$
3. Молиявий автономия	0,15	0,5 дан юқори - (+1) балл; 0,4-0,5 оралигида бўлса - 0 балл; 0,4 дан паст бўлса - (-1) балл.	a3	б3	$c3=a3*б3$	$c3*0,15$
4. Жорий ликвидлик коэффициенти	0,1	1,2 дан юқори - (+1) балл; 0,8-1,2 оралигида бўлса - 0 балл; 0,8 дан паст бўлса - (-1) балл.	a4	б4	$c4=a4*б4$	$c4*0,1$
5. Сотишдан тушган соф тушумнинг ўсиш даражаси	0,1	40% дан юқори - (+1) балл; 20-40% оралигида бўлса - 0 балл; 20 % дан паст бўлса - (-1) балл.	a5	б5	$c5=a5*б5$	$c5*0,1$
6. Сотилган масулот рентабеллиги	0,1	15% дан юқори - (+1) балл; 0-15% оралигида бўлса - 0 балл; 0 % дан паст бўлса - (-1) балл.	a6	б6	$c6=a6*б6$	$c6*0,1$
7. Хусусий капиталнинг ўсиш даражаси	0,1	30% дан юқори - (+1) балл; 15-30% оралигида бўлса - 0 балл; 15 % дан паст бўлса - (-1) балл.	a7	б7	$c7=a7*б7$	$c7*0,1$
8. Тез ликвидлилик коэффициенти	0,05	0,8 дан юқори - (+1) балл; 0,4-0,8 оралигида бўлса - 0 балл; 0,4 дан паст бўлса - (-1) балл.	a8	б8	$c8=a8*б8$	$c8*0,05$
9. Оборот активларининг ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	0,05	0,4 дан юқори - (+1) балл; 0,1-0,4 оралигида бўлса - 0 балл; 0,1 дан паст бўлса - (-1) балл.	a9	б9	$c9=a9*б9$	$c9*0,05$
10. Молиявий барқарорлик коэффициенти	0,05	0,8 дан юқори - (+1) балл; 0,6-0,8 оралигида бўлса - 0 балл; 0,6 дан паст бўлса - (-1) балл.	a10	б10	$c10=a10*б10$	$c10*0,05$
<b>Жами</b>	<b>1</b>					<b>7-устун жами</b>

Якуний натижага изоҳ берадиган бўлсак, кўрсаткичнинг улуш билан биргаликдаги баҳоси яъни, 7-устуннинг барча рақамлари йиғилиб чиғилади.

<sup>39</sup> Finalon.com/Главная/Методика анализа/Рейтинговая оценка финансового состояния предприятия

Аниқланган натижа қуйидаги жадвалдаги оралиқларнинг бирига тушади ва ўша оралиқ корхонанинг молиявий ҳолати рейтингини аниқлаб беради.

**20-жадвал**

**Рейтинг баҳолаш шкаласи<sup>40</sup>**

Балл		Рейтинг	Ҳолати
дан	гача		
1	0,8	AAA	Аъло
0,8	0,6	AA	Жуда яхши
0,6	0,4	A	Яхши
0,4	0,2	BBB	Ижобий
0,2	0	BB	Ўртача
0	-0,2	B	Қониқарли
-0,2	-0,4	CCC	Қониқарсиз
-0,4	-0,6	CC	Ёмон
-0,6	-0,8	C	Оғир
-0,8	-1	D	Потенциал банкрот

Бу жадвал рейтинг аниқлаш шкаласи бўлиб, унда агар якуний натижа [1;0.8) оралиғида бўлса “AAA” -“Аъло”ни, агар [0.8;0.6) оралиғида бўлса, “AA”- “Жуда яхши” молиявий ҳолатни, агарда [-0.8;-1) оралиғида бўлса “D” яъни корхонанинг “Потенциал банкрот”лигини англатади.

3-усул.Эндиги кўриб чиқадиган молиявий ҳолат рейтингини аниқлаш усулининг муаллифи А.Д. Шеремет бўлиб, бу усулнинг эътиборга молик жиҳати шундаки, бошқа кўплаб рейтинг аниқлаш усулларига ўхшамаслигидадир. Рейтинг аниқлашда ташкилотларнинг фаолиятидан келиб чиққан ҳолатда барча асосий параметрларни баҳолаш кераклигини таъкидлаб ўтади А.Д. Шеремет<sup>41</sup>.

Бунинг учун корхонанинг

<sup>40</sup> Finalon.com/Главная/Методика анализа/Рейтинговая оценка финансового состояния предприятия

<sup>41</sup> Finalon.com/Главная/Методика анализа/Рейтинговая оценка финансового состояния предприятия

- 1) Ишлаб чиариш потенциалини;
- 2) Рентабеллик кўрсаткичларини;
- 3) Самарадорлик кўрсаткичларини;
- 4) Активларнинг жойлашиши, ҳолати, улардан фойдаланиш ва шу каби бошқа кўрсаткичлардан фойдаланишни таклиф этади.

Шунингдек, қуйидагиларни ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди:

-хўжалик фаолиятининг фойдалилиги кўрсаткичлари ( умумий рентабеллик, соф рентабеллик, хусусий капитал рентабеллиги, ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги);

- бошқарув самарадорлини баҳолаш кўрсаткичлари ( сотиш ҳажмининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда суммаси, сотиш ҳажмининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган солиқ тўлангунга қадар фойда суммаси);

-иш активлигини баҳолаш кўрсаткичлари (жами активларнинг қайтими, асосий фондлар айтими, оборот фондлари айланувчанлиги, ТМЗларнинг айланувчанлиги, кам ликвидли активларнинг айланувчанлиги, хусусий капитал қайтими);

-ликвидлилик ва молиявий барарорлик кўрсаткичлари (жорий ликвидлилик коэффитциенти, критик ликвидлик коэффитциенти, доимий активларнинг индекси, молиявий мустаққиллик коэффитциенти, ўз айлама маблағларининг захира билан таъминланганлик даражаси).

А.Д. Шеремет қиёсий рейтинг баҳолашнинг алгоритмини ишлаб чиққан бўлиб у қуйидагича кўринишда:

1.Бошланғич маълумотлар (а ij) кўринишидаги матрицага жойлаштирилади. Бунда, (i) қатор кўрсаткич тартиб рақамини, (j) устун эса корхонанинг тартиб рақамини билдиради.

2.Ҳар бир кўрсаткичлар бўйича кўрсаткичлар эталон корхона кўрсаткичлари билан солиштирилади ва қуйидаги формула билан аниланади:



$$X_{ij} = a_{ij} / \max a_{ij}^{42}.$$

3. Ҳар бир корхона баллари ва унинг рейтинги қуйидаги формула билан аниланади:

$$P_j = (1 - X_{1j}) + (1 - X_{2j}) + \dots + (1 - X_{nj})^{43}.$$

Бу ерда:  $P_j$  –  $j$  корxonанинг рейтинг баҳоси;  $X_{1j}$ ,  $X_{2j}$ ,  $X_{nj}$  –  $j$  корxonанинг солиштирма кўрсаткичлари.

4. Сўнгра  $P_j$  – яъни  $j$  корxonанинг рейтинг баҳосига қараб (баҳонинг (баллнинг) юқори ёки пастлигига қараб) тартиб билан жойлаштирилади.

Ушбу методнинг афзалликлари ҳақида Шеремет шундай дейди:

-Бу метод корхона молиявий фаолиятини баҳолашда комплекс баҳолашга асосланади;

-Баҳолашнинг расмий чоп этиладиган молиявий ҳисоботларга асосланган ҳолда амалга оширилиши;

-Баҳолаш таққосланувчи характерга эга эканлиги бўлиб, барча рақобатчи корхоналарнинг ҳақиқий ҳолати ва муваффаиятлари (камчилклари) ўрганилиши;

-Рейтинг баҳолаш амалга оширишда ўзига ҳос алгоритмдан фойдаланилганлиги.

4-усул. Бу усулда қўшимча факторлар 3 гуруҳга бўлинган бўлиб, улар йидагилар: ўтган, жорий ва келгуси давр

“Ўтган”- баҳо ўтган ҳисобот даврини билдиради (умумий баллнинг 25%ини ташкил этади)

“Жорий” - баҳо жорий ҳисобот даврини билдиради (умумий баллнинг 60 %ини ташкил этади.).

“Келгуси” – ҳисобот давридан кейинги йилни кўрсатиб, умумий баллнинг 15% ига тенг.

Молиявий ҳолат ва молиявий самардорлик кўрсаткичлари (60 % ва 40% пропорсияда) якуний рейтинг баҳоси аниқланади.

<sup>42</sup> Finalon.com/Главная/Методика анализа/Рейтинговая оценка финансового состояния предприятия

<sup>43</sup> Finalon.com/Главная/Методика анализа/Рейтинговая оценка финансового состояния предприятия

Молиявий ҳолат рейтингини аниқлаш методикаси<sup>44</sup>

Кўрсаткичлар	Қўшимча фактор	Балл			Ўртача балл (3- устун x 0.25 + 4- устун x 0.6 + 5- устун x 0.15)	Қўшим ча фактор Ўртача балл кўпайт маси (2- устун x 6-устун)
		Ўтган давр	Жорий давр	Келгуси давр		
1	2	3	4	5	6	7
<b>I. Корхонанинг молиявий ҳолат кўрсаткичлари</b>						
Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,25					
Соф активлар ва устав капитали нисбати	0,1					
Ўз айланма маблағлари айланувчанлиги коэффициенти	0,15					
Жорий ликвидлик коэффициенти	0,15					
Тез ликвидлик коэффициенти	0,2					
Мутлоқ ликвидлик коэффициенти						
Жами	1	Якуний балл (Жами: 7-устун : 2-устун):				
<b>II. Корхона фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари</b>						
Хусусий капитал рентабеллиги	0,3					
Активларнинг рентабеллиги	0,2					
Сотиш рентабеллиги (япи фойда буйича)	0,2					
Маҳсулот сотишдан соф тушумнинг динамикаси	0,1					
Оборот маблағлари айланувчанлиги	0,1					
Оборот маблағлари айланувчанлиги	0,1					
Жами	1	Якуний балл (Жами: 7-устун : 2-устун):				

“AAA”-“AA” корхонанинг молиявий ҳолати “аъло” (“жуда яхши”) даражада эканлигидан далолат беради. Яъни, унинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли мажбуриятларини бажара олиш қобилитини англатади. Бундай

<sup>44</sup>Audit-it.ru/finanaliz/features/Расчет рейтинговая оценка финансового положения и результатов деятельности ОАО “Ростелеком”

рейтингга эга ташкилотлар ишончли қарздорлар гуруҳига кириб, юқори кредит лаётига эга корхоналар ҳисобланади.

“А”- “BBB” рейтинг кўрсаткичи корхоналарнинг молиявий ҳолати “Яхши” (“Ижобий”) эканлигини англатиб, қисқа муддатли мажбуриятларини бажара олиш қобилиятига эга ҳисобланади. Ушбу рейтингга яхши тўлов қобилиятига эга бўлган, кредит олиш имконияти юқори бўлган ташкилотлар киритилади.

## 21-жадвал

### Рейтинг баҳолаш шкаласи<sup>45</sup>

Умумий балл		Белги	Молиявий ҳолатнинг баҳо сифати
дан	гача (сўнг чегара ҳам қиради)		
2	1.6	AAA	Аъло
1.6	1.2	AA	Жуда яхши
1.2	0.8	A	Яхши
0.8	0.4	BBB	Ижобий
0.4	0	BB	Ўртача
0	-0.4	B	Қониқарли
-0.4	-0.8	CCC	Қониқарсиз
-0.8	-1.2	CC	Ёмон
-1.2	-1.6	C	Жуда ёмон
-1.6	-2	D	Оғир

“BB”- “B” рейтинг кўрсаткичига “Ўртача” (“Қониқарли”) молиявий ҳолатга эга бўлган корхоналар киритилади. Бундай корхоналар яхши ҳамкор бўла олиши мумкин.

“CCC”- “CC” рейтинг кўрсаткичи “Қониқарсиз” (“Ёмон”) молиявий ҳолатдан гувоҳлик беради. Бундай корхоналар кредит олаётганда кредитнинг қайтарилишига ишончли қафолатлар қўйилиши лозим бўлади.

<sup>45</sup>[Audit-it.ru/finanaliz/features/](http://Audit-it.ru/finanaliz/features/)Расчет рейтинговая оценка финансового положения и результатов деятельности ОАО “Ростелеком”

“С”- “D” рейтинг кўрсаткичи “Жуда ёмон” (“Оғир”) молиявий ҳолатга эга бўлган корхоналарга берилади. “D” рейтингини олган корхоналар яқин келажакда фаолиятини тўхтатиши ёки банкрот (дефолт) бўлиши эҳтимоли жуда юқори эканлигидан далолат беради.

## ХУЛОСА

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви шароитида, назорат шакллари ҳамда рейтинг асосида баҳолашнинг усуллари тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, корпоратив бошқарув тизимида акциядорлик жамиятлари самарали фаолият юритиш механизмини шакллантириш ҳамда уни бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг ажралмас қисми сифатида ривожлантириш зарурати янада кучаймоқда.

Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш натижасида рейтинг агентликлари фаолиятини самарали ташкил этиш, корхоналар молиявий ҳолатини баҳолаш учун рейтингни аниқлаш услубларини такомиллаштириш, ҳамда аниқланган рейтинг сифат тавсифидан келиб чиққан ҳолатда корхонага маслаҳат, йўл-йўриқ, ҳуқуқий ва бошқа турлардаги ёрдам кўрсатадиган рейтинг агентликларига эҳтиёж янада сезилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, корхоналарнинг молиявий ҳолати рейтингини аниқлашдан мақсад-турли ташкилот ва корхоналарнинг ўзаро бир-бирига нисбатан фаоллик даражаси, корхонанинг рақобатчилар ўртасидаги ҳолатини аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Шунингдек, инвестицион фаолият иштирокчилари ва бошқа ҳамкорлар учун содир бўлиши мумкин бўлган рискларни олдини олиш ёки мавжуд риск ватурли камчиликларни фаолиятга таъсирини пасайтириш ва оҳир-оқибатда уларни буткул бартараф этиш рейтинг аниқлашнинг тағ замирида ётибди.

Айни вақтда, рейтинг иқтисодий мониторинг воситаси бўлиб, ҳам хизмат қилади. Ишбилармонлар доираси билан бир қаторда рейтингдан ҳукумат идоралари ҳам фойдаланиши мумкин. Рейтинг берадиган ахборот таркибий ўзгаришлар йўналишини, иқтисодий ривожланиш суръатларининг келажакда ортиши ёки пасайишини аниқлашга имкон беради.

Иқтисодий субъектларнинг бундай рейтингларини эълон қилишга бозордаги мижозлар ёки рақобатчилар ва маъмурий тузилмалар катта

кизиқиш билан қарайди. Сабаби, рейтинг иқтисодий реал секторининг бозор механизмларини жонлантириш воситасига айлантирилмоқда ва унга хорижий инвесторлар ва жаҳон иқтисодий ҳамжамияти ижобий муносабат билдиради.

Рейтингни аниқлашда турли ёндашишлар бор. Лекин, жаҳон амалиётида рейтинг белгиланишининг 3 та асосий усули мавжуд.<sup>46</sup>

1. Тартиблаш (рақамлаш) усули.
2. Балл усули.
3. Индекс усули.

Асосий мақсад корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларини баҳолашдир. Рейтинг — статистик маълумотларга таянмаган ҳолда, кўрсаткичларни хатарли ҳолатлари билан аниқ томонларини ўрганишни талаб этади.

Рейтинг конкрет корхоналар тўғрисидаги ҳаммабоп ахборот манбаи бўлиб, қарор қабул қилишнинг муҳим воситасидир. Чунки, у тадбиркорга саноатнинг тараққий этиш йўналишини, ишбилармонликнинг жонланишини ҳамда фойда олиш имкониятларини ҳам кўрсатиб беради.

Рейтинг баҳолаш орқали бозор иқтисодий шароитида корхоналарни тартиблаш, шунингдек, капиталлашув даражаси бўйича рақобатдошлигини аниқлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминлашда акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолати бўйича рейтинг аниқлашнинг аҳамияти шундаки, айнан бугунги шароитда яъни, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарали усулларини қўллаш, акциядорлик жамиятларида давлат улушини кескин камайтириш ва акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаслигидан иборат тартиб жорий этилиганлиги муносабати билан 2016-йилнинг 1-июлига<sup>47</sup> қадар маълум акциядорлик жамиятларининг 15% акцияларини чет эллик инвесторларга сотиш каби долзарб масалалар олдида

<sup>46</sup> М.К.Эрматов. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. «Иқтисод-молия» 2005, 41-бет.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2015й. №-2451 сонли ПҚ “Акциядорлар жамиятларигига хорижий инвесторларини жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори

турган акциядорлик жамиятлари учун ва ўз инвестициясини самаралди жойлаштириш мақсадидаги потенциал инвесторларнинг тез ва тўғри(албатта рейтингнинг ишончлилик даражасидан келиб чиққан ҳолатда) хулосага келишлари учун айна муддао бўлади.

Рейтинг аниқлашда қўлланиладиган коэффициентлар ёки кўрсаткичларга қўйиладиган талабларга эътибор қаратадиган бўлсак:

- кўрсаткичлар максимал даражадаги ахборотга эга бўлиши;
- бир томонлама характерга эга бўлиши( масалан, коэффийиентнинг ўсиши молиявий ҳолатни яхшилашини характерлаши, камайиши эса аксинча);
- барча кўрсаткичлар миқдорий минимал нормаларга эга бўлиши;
- расмий, чоп этиладиган молиявий ҳисобот маълумотлари асосида ҳиобланиши лозим.

Ҳар бир ишончли ахборотнинг замирида таҳлил ётибди. Биз таҳлил орқали таҳлил объекти ҳақида маълумотга эга бўлаимиз ва тегишли хулоса чиқарамиз. Рейтинг ҳам худди шундай кетма-кетликни талаб этадиган жараён бўлгани учун ҳам таҳлилнинг бир усули сифатида қабул қилиш мумкин.

Биз корхоналар молиявий ҳолати рейтингини аниқлаш давомида корхонанинг мулкӣ ҳолати, уларнинг манбаланиши, иқтисодий ва молиявий салоҳияти, тўлов қобилияти, ликвидлилиги, молиявий барқарорлиги каби муҳим томонларни таҳлил этдик ва шундан келиб чиққан ҳолатда молиявий ҳолат рейтингини аниқлашда қуйидагилар кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда корхоналар молиявий ҳолати рейтинг аниқлашни таклиф этамиз:

1. Корхонанинг иқтислдий ва молиявий салоҳияти
2. Корхона актив ва пассивлари реал қиймати
3. Корхона молиявий барқарорлиги аўрсаткичлар
4. Корхона тўлов қобилияти
5. Корхона маблағларининг ҳаракатланиши ёки мавжудлиги
6. Сотиш ҳажмининг ўсиш динамикаси

7. Соф фойда динамикаси.

8. Рентабеллик кўрсаткичлари.

Битирув малакавий ишда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши акционерлик жамиятларида молиявий ҳолатни рейтинг тизими аниқлашни такомиллаштириш имконини беради.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008
3. Корпоратив бошқарув кодекси, .-Т.:Ўзбекистон, 2016
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни(янги таҳрири)2016 йил 13 апрел, ЎРҚ-404-сон
6. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2014 йил 6 май.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 63-модда)

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари**

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги ”Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–907-сонли Қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги ПФ-1363-сонли “Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони
10. . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги ПФ-1504-сонли “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар**

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2015 йил 19 октябрдаги 92-сон буйруғи

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июльдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли Қарори

13. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2465, 3 июнь 2013 йил).

14. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2008 йиллар

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкини зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли Қарори

16. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2006 йиллар

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелдаги 182-сонли “Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

18. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш,

хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир” Т.: “Ўзбекистон” 2016й

19. Каримов И.А. “Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” Т.: “Ўзбекистон” 2015й

20. Каримов И.А. "2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир " Т.: “Ўзбекистон” 2015й.

21. Каримов И.А."2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади" -Т.: "Ўзбекистон", 2014

22. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. -Т.: «Ўзбекистон», 2011

23. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011

24. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни медресизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. – Т.18. – Т.: Ўзбекистон, 2010

25. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. - Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009

26. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

27. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

28. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
29. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
30. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7.– Т.: Ўзбекистон, 1999
31. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6.– Т.: Ўзбекистон, 1998.
32. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
33. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

#### **V. Асосий адабиётлар**

1. А.Абдугафаров, Т.Абдувахитов. Спиралевидные модели экономики. – Ташкент: “Фан ва технология”, 2014.
2. Ефимова О.В. Финансовый анализ. – М.: ЮНИТИ, 2006. – 517 с.
3. Максютлов А.А. Управление дебиторскими и кредиторскими долгами компании. – М.: Финансы, 2006. – 456 с
4. Бочкарева И.И. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. –М.: Проспект, 2006. 776 стр.
5. Шахбазян Е.М. Особенности управления оборотными средствами предприятия. – М.: ЮНИТИ, 2005. – 436 с
6. Шеремет А., Сайфулин Р. Методика финансового анализа. – М.: АС-ПРЕСС, 2005. – 738 с.
7. Панфилов А.В. Анализ и контроль кредиторской и дебиторской задолженности в современных условиях. – М.: Финансы, 2005. - 435 с
8. Белоцерковский В.И. Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебное пособие. - М.: "Экономика", 2005. - 294 с.
9. Панфилов А.В. Анализ и контроль кредиторской и дебиторской задолженности в современных условиях. – М.: Финансы, 2005. - 435 с

10. Донцова Л.В. Анализ финансовой отчетности. Учебник. –М.: Дело и Сервис, 2005. 366 стр.

34. Жуманиёзов К. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2004

## **VI. Интернет ресурслари**

35. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)– Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.

36. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)–Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

37. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

38. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти.

39. [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz)– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги расмий сайти.

40. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)–Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

41. [www.imf.org](http://www.imf.org)– Халқаро валюта фонди расмий сайти.

42. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)– Жаҳон банки расмий сайти

43. [www.ahborreyting.uz](http://www.ahborreyting.uz)-“Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлигининг расмий сайти

44. [www.readyratios.com](http://www.readyratios.com)-сайти

45. [www.greatfin.com](http://www.greatfin.com)- сайти

46. [www.finalon.com](http://www.finalon.com)- сайти

47. [www.audit-it.ru](http://www.audit-it.ru)-сайти.